кириш қобилиятига эга. Бундан ташқари, улар баъзан ҳайвон, қуш ва аланга кўринишда ҳам гавдаланадилар. Фольклоршунос К. Имомовнинг фикрига қараганда, парилар қадимий манбаларда антропоморф ва зооморф қиёфаларда ифодаланиб, санъат асарларида ярми аёл, ярми балиқ, ярми илон, боши аёл, танаси қуш шаклида тасвирланган. Уларнинг генезисиди олов муҳим ўрин эгаллаган. Чунки, чўғ-олов янглиғ пайдо бўладиган пари гайриоддий бўлиб, тарихий асослари олов ва оловни бошқарувчи момолар култи билан боғланади [5, Б.247; 6, Б.36-38].

Парилар ҳақидаги мифологик афсоналар ўзида ибтидоий тушунча, аждодлар култига эътиқод, қадимги демонологик ҳодисалар, дуализм, табутаъқиқ билан боғлиқ тасаввурлар, руҳларга сиғинишнинг айрим қирраларини ўз ичига олади. Бундай афсоналарда воқеалар уйдирмалар асосида қурилган бўлиб, мазмундан гўзаллик, поклик, тўғрилиқ, адолатпарварлик каби ахлоқ нормалари, ёвуз руҳларни инкор этиш ғоялари тимсолий образларда акс этирилган. Пари қиёфаси, ҳаракатида сув илоҳаси - Анахитанинг таъсири сезилади. Парилар хаёлий образ бўлиб, антропоморф қиёфасида тасвирланган. Парилар сув култининг белги (сув билан боғланиш)ларини ўзида ифода этган демонологик тимсолидир.

И. Жабборов ва Г. Дресвянскаяларнинг ёзишича, руҳлар шайтонларнинг ўзига хос туркумини "парилар" ташкил этади. Парилар одамга нафақат адоватли, балки ҳомий ҳам бўлиши мумкин. Бутун Ўрта Осиёда, айниқса қадимдан деҳқончилик билан шуғулланувчи ҳудудларда кенг тарқалган бу образ ўзига хос фантастик хусусиятга эга. Парилар, худолар, руҳ ва маъбудлар каби ҳар хил тасаввурларга яқин. Улар диний тараққиётнинг кўпгина босқичларида учрайди. Ўрта Осиёнинг деҳқончилик билан шуғулланадиган халқи орасида яқингача "пари кимнидир танлайди", -деган фикр илгари сурилган" [3, Б. 64-67].

Парилар турли этнослар томонидан ҳар хил турларга бўлинади: мусулмон париси, кофир пари, илон пари, қиз пари, сув пари, беҳишт пари, нон пари, юлдуз пари, гул пари ва ҳоказолар. Масалан, юлдуз парилар фолбинга мурожаат қилган кишининг сир-синоатларини кўкдан кузатиб, билиб беради. Гул парилар одамга ошиқ бўлади ва уни ўзига мафтун этади, ички сирларини билиб олади, лекин инсонга ёмонлик қилмайди. Нон париси ҳар бир инсонга шерик бўлиб, исрофгарчилик қилган кишига зиён етказди, бу ҳақда фолбинни огоҳлантиради.

Фольклоршунос О. Қаюмовнинг таъкидлашича, сув парилари парилар орасида муҳим ўринни эгаллайди [11, Б.44]. Чунки сув қадимдан тириклик ва ҳаёт давомийлиги тимсоли бўлиб келган. Сув парилари тўлқинларда вужудга келиб, сувни жиловлантирадилар. Улар кишининг диққатини ўзига тортиб, кўпинча сувга тушган бегуноҳ одамларни чўкиб кетишдан сақлайдилар. Сув париси сувга чўккан кишиларгина кўринади. Сув парилари ҳам одатдан ташқари гўзаллиги билан кишини ўзига ром қилиб олади.

Барча касб-ҳунарларда бўлгани сингари шомонликда ҳам ўзининг пирлари ва суянчиғи бўлади. Этнограф П. Комаровнинг таъкидлашича, XX аср бошларида Тошкент шаҳри шомонларининг асосий суянчиғи ва ҳомийси Абдурахмон пари деб аталиб, унга атаб шомонлар ҳар йили қурбонликлар ўтказганлар [7, Б.4]. О. Муродов эса ўз тадқиқотларида Абдурахмон парини шоҳ пари деб атаб, унинг яшаш жойи сифатида Кўҳи Қоф тоғини кўрсатиб ўтган [8, Б.114-115].

Париларнинг соҳибжамол аёл кўринишида намоён бўлиши тўғриси-даги қарашлар Фарғона водийси ўзбеклари орасида ҳозир ҳам учраб тура-ди. Жумладан,

Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғида яшовчи Сумбула бахшининг эътироф этишича, унинг парилари баъзан кечаси чиройли аёл ёки ёш қиз бўлиб келади [Фарғона вилояти Данғара тумани Сойшилдир қишлоғи. 2009 йил].

Халқ оғзаки ижодида дев ёвуз ниятли махлуқ образи сифатида гавдалантирилса, парилар гўзаллик рамзи сифатида жонлантирилади [11,Б.43]. Парига бўлган бундай ёндашувлар тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" асарида: "Билгил, Ал-кавлуам халқи ал-малоикати ва ал-жинни ва ал-инси изм изза ва жалла фаришталарни ўтнунг ёруқлиқидин яратти, париларни ўтнунг ёлинидин яратти. Асллари бири турур, аммо уч нарса бирла тафовутлари бор. Бири ул турурким, фаришталар нурдин, парилар ёлиндин турур. Иккинчи, фаришталар атанди, парилар жин атанди. Учунчи, фаришталар ўрни адиз кўкда бўлди, парилар ерда бўлди", - деб ёзган [10,Б.13] эди.

Рабғузийнинг фикрича, парилар Аллоҳ томонидан яратилиб, ерда яшайдилар [10,Б.13]. Этнограф Г. Снесарев "Пари Эрон мифологиясига мансуб образ бўлиб, туркий халқлар мифологиясига Эрон ва туркий халқларнинг диний бирлиги натижасида ўтиб қолган"лигини деб қайд этган [9,Б.286]. Лекин, ушбу фикр қисман нотўғри бўлиб, пари тимсоли қадимдан Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографиясига доир манбаларда кенг маънода ишлатиб келинган.

Фарғона водийси аҳолиси орасида париларга бўлган ишонч ҳали ҳам учраб туради. Жумладан, Фарғона вилояти Қўштепа тумани Шомирза қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳавохон бахши париларнинг кўпроқ аёлларга илашишини, агар шундай ҳолат содир бўлса, у ўз эрини суймайдиган ва ғалати ҳаракатлар қиладиган ҳолатга тушиб қолади, деб таъкидлайди [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қўштепа тумани Шомирза қишлоғи. 2009 йил]. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғида яшовчи Рустам бахшининг фикрича эса, парилар қачонки рози бўлсалар, йўл берсалар-гина, уларнинг номини айтиш мумкин [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғи. 2008 йил].

Баъзи бир ахборотчилар париларнинг оддий одамларга таъсирини юқори баҳолайдилар. Жумладан, Наманган вилояти Чортоқ шаҳрида яшовчи Тухфатилло табибнинг фикрига қараганда, Илон пари теккан одам кўпроқ жангари кайфият ҳолатига тушиб қолади. Шунинг учун ҳам илон пари теккан одамни тезда даволаш чоралари кўрилади [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ шаҳри 2010 йил].

Фарғона водийси аҳолиси орасида париларнинг кийинишига доир ўзига хос тасаввурлар сақланиб қолган. Фарғона вилояти Данғара тумани Урганжи қишлоғида яшовчи Дилором фолчининг фикрича, парилар асосан ёш қизлар каби кийинади ва бунинг натижасида одамларга илашиши осон бўлади. Чунки, ҳар қандай чиройли кийинган қиз париларнинг диққат марказида туради. Ахборотчи пари теккан қизнинг сатанг, тинмай сочини ёйиб, ўз-ўзидан ўйнайдиган бўлиб қолишини таъкидлади. Бундай беморларнинг жинсий хасталикларга мойиллиги кучли бўлади. Ушбу касалликни даволаш учун ўша беморни бирор-бир ҳайвонни қурбонлик қилиб, қонлаш керак бўлади [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Урганжи қишлоғи. 2007 йил].

Демак, парилар қадимдан гўзаллик ва яхшилик тимсоли бўлиб келган. Сув ҳавзалари ва сув ости олами уларнинг яшаш жойлари сифатида тасаввур қилинган. Жамиятда оналар ҳукмронлик қилган даврларда кишилар дунёқарашида юз берган

ижобий ўзгаришлар туфайли аёлларни илоҳийлаштиришга интилинган ва тошдан уларнинг ҳайкаллари ясалган. Бу ҳолат кейинчалик аёл ҳайкаллариغا сифинишни келтириб чиқарган. Аёлларни илоҳийлаштиришга интилиш натижасида аста-секин пари тимсоли вужудга келган. Парилар дастлаб аёл, сўнгра эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Бу ҳолат жамиятда юз берган ижтимоий ва фалсафий ўзгаришлар инъикосидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. - 275 б (Ashirov A. A. The ancient beliefs and rituals of the Uzbek people. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. - 275 p.).
2. Бертельс А. Е. Пери / Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средневековье. - М.: Наука, 1979. - С.126 (Bertels A. E. Peri / Culture and art of the peoples of Central Asia in antiquity and the Middle Ages. - М.: Nauka, 1979.- S. 126.).
3. Жабборов И, Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - С. 64-67 (Zhabborov I, Dresvyanskaya G. Spirits, saints, gods of Central Asia. - Tashkent: Uzbekistan, 1993. - S. 64-67.).
4. Имомов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы. Докторская диссертация. - Ташкент, 1985. - С. 247-256 (Imomov K. Genesis and poetic transformation of the genres of Uzbek oral prose. Doctoral dissertation. - Tashkent, 1985. - S. 247-256.).
5. Имомов К. Мифологик афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2008. - №6. - Б. 68-70 (Imamov K. Mythological legends // Uzbek language and literature. - 2008. - No. 6. - P. 68-70.).
6. Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2007. - №3. - Б. 36-39 (Imamov K. Mythic-epic interpretation of Pari's image // Uzbek language and literature. - 2007. - No. 3. - P. 36-39.).
7. Комаров П. Остатки шаманизма среди сартов // Туркестанские ведомости. - 1902. - №50. - С. 4 (Komarov P. The remains of shamanism among the Sarts // Turkestan Vedomosti. - 1902. - No. 50. - P. 4.).
8. Муродов О. Шаманский обрядовой фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана / ДВОСА. - М.: Наука, 1975. - С. 114-115 (Murodov O. Shamansky ritual folklore among Tajiks in the middle of the Zeravshan valley / DVOSA. - М.: Nauka, 1975. - P. 114-115.).
9. Мифы народов мира. - М.: Наука, 1982. Т. 2. - С. 286 (Mifi nations of the world. - М.: Nauka, 1982. Т. 2. - P. 286.).
10. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. 1-китоб. - Тошкент: Фан, 1990. - 235 б (Nosiruddin Burhanuddin Rabghuzi. The story is Rabghuzi. Book 1 - Tashkent: Science, 1990. - 235 p.).
11. Қаюмов О. Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1996. - №1. - Б. 44-47 (Kayumov O. People's visions about Pari // Uzbek language and literature. - 1996. - No. 1. - P. 44-47.).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бурхонов Илёсхон Мухиддинович,  
Фарғона политехника институти  
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ХАЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (1850- 1865)

*For citation: Ilyoskhon Burhanov. Influence of the tax system on political life in the administration of the Kokand khanate. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 21-27*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-03>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлиги тарихига оид маълумотларни қайси олимларнинг тадқиқотларда ўқиб ўрганиш мумкинлиги ва хонликдаги маъмурий бошқарув тизимининг асосини ташкил этган солиқлар тури ва уларни давлат рахбарининг хошишига кўра оширилганлиги мамлакат аҳолиси ҳаётига салбий таъсир кўрсатгани, бунинг натижасида эса турли хулудларда хоннинг солиқ сиёсатига қарши қўзғолонлар кўтарилганлиги ҳақида ёритилган.

**Калит сўзлар:** тарихий адабиёт, солиқ, Худоёрхон, қўзғолон, саркор, хоким, ижтимоий, сиёсий.

Бурхонов Илёсхон Мухиддинович,  
преподаватель кафедры История Узбекистана  
Ферганского политехнического института

## ВЛИЯНИЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ НА ПОЛИТИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ В АДМИНИСТРАЦИИ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

### АННОТАЦИЯ

Статья начинается с написания о ученых, которые провели исследование по истории Кокандского ханства. В статье написано налогообложение Кокандского хана и повышение налогов, люди протестуют против правительства Коканда, в результате протест оказало значительное влияние на политическую жизнь.

**Ключевые слова:** историческая литература, налоговая система, Худаярхан, восстание, саркар, ҳоким, социальная жизнь, политическая власть

**Plyoskhon Burhanov**

Lecturer, Department of History of Uzbekistan  
Fergana Polytechnic Institute

## INFLUENCE OF THE TAX SYSTEM ON POLITICAL LIFE IN THE ADMINISTRATION OF THE KOKAND KHANATE

### ANNOTATION

The article begins with writing about the scientists who conducted a study on the history of the Kokand Khanate. The article writes the taxation of the Kokand Khan and raising taxes, people protest against the government of Kokand, as a result it had a significant impact on political life.

**Key words:** Kokand khanate, historical literature, tax, Khudoyar Khan, uprising, sarkar, hokim, social, political.

Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихида Кўқон хонлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган давлат саналган. Хонлик тарихига назар ташланса, унда хонликнинг ташкил топишидан бошлаб, сўнгги кунларигача мураккаб сиёсий жараёнлар, кескин ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар ҳукм сурганлигини кўриш мумкин. Шунга қарамай, хонлик Ўрта Осиёдаги бошқа хонликларга нисбатан ўзига хос нуфузга ва стратегик мавқега эга давлат ҳисобланган.

Кўқон хонлиги тарихига оид қимматли маълумотларни С.Нуркен, В.Григорьев, А.Кун, А.Хорошхин, А.Гейнс, Н.Пантусов, А.Миддендорф, В. Наливкин, А. Зимин, Н. Остроумов, С.Абдугаффаров, В. Наливкин, А. Жувонмардиев, А.А.Троицкая, Р.Н.Набиев, А.П.Қаюмов, Ф.Фаффоров, Э.Хуршут, Ҳ.Н.Бобобеков, А.Хасанов, Ш.Воҳидов, Ш.Юсупов, Г.Агзамова, Д.Сангирова, В.Ишқувватов, З.Илҳомов, Б. Турсунов, Муҳаммад Яҳёхон, Ш.Махмудов каби тарихчи олимларимизнинг китоблари, тадқиқот манбалари, мақолаларидан ўқиб ўргана оламиз. Бундан ташқари козоғистонлик, қирғизистонлик ва россиялик олимлар - С. Сооданбеков, Т. Бейсембиев, Ю. Лунёв, Н. Терлетскийлар, япон тадқиқотчиси Яёи Кавахара ҳам хонлик тарихига оид тадқиқотлар олиб бордилар Улардан бири Т. Бейсембиев бўлиб, у Муҳаммад Юнус Тоиб қарамига мансуб "Тарихи Алиқули Амирлашкар" асарини Лондонда инглиз тилида факсимил нусхаси билан эълон қилди. Хонликнинг солиқ тизими оид маълумотларни М. Жувонмардиев, Р. Набиев, А. Ўринбоев, Ҳ. Бобобеков, Ш.Махмудов каби олимларнинг тадқиқотларида қисман ёритиб ўтилганлигини кузатамиз [1, Б.75].

XIX асрнинг 50-йиллари Кўқон хонлиги учун ички сиёсий бўҳронларнинг энг кучайган жараёнлари билан бошланди. Биринчидан, Саййид Муҳаммад Худоёрхон 1844 йилдан буён тахтга эгалик қилиб келаётган бўлишига қарамай, ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлига ололмаган эди. Бироқ Худоёрхонни лаёқатсиз хон эди, дейиш нотўғри бўлади. Дастлабки йилларда Мусулмонқул мингбоши ва қипчоқ амалдорларининг саройдаги кучли таъсири унинг мустақил равишда тахтни бошқаришига йўл бермаган бўлса, кейинги йилларда ўзаро тахт таллашишлар ва унга нисбатан умумий норозиликнинг ошиши бу имкониятларни йўққа

чиқарган эди. Бу ҳолни унинг ҳукмронлик йилларида хонликнинг турли ҳудудларида рўй берган қўзғолонлар, норозилик ҳаракатларида ҳам кузатиш мумкин эди [2, Б.42].

Иккинчидан, XIX асрнинг 50-йилларига келиб, Россия империясининг хонликка нисбатан босқинчилик юришларига қарши курашга ҳам етарли эътибор берилмаганлиги ва сиёсий ҳамда ҳарбий ожизлик босқинчиликнинг кенгайиб кетиши ва жиддий тус олишига, пировард натижада эса хонликнинг ҳалокатга учрашига олиб келган эди. Чунки Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиш ва уни мустамлакага айлантиришда энг асосий эътиборни ҳозирги Қозоғистон ҳудудларини бутунлай босиб олишда катта тўсиқ ва жиддий рақиб бўлиб турган Қўқон хонлигини бўйсундиришга қаратган эди. Бироқ, бир томондан хонликдаги ички курашлар ва иккинчи томондан чор Россиясининг мустамлакачилик мақсадидаги ҳарбий босқинчилик тажовузлари туфайли иқтисодий аҳвол оғирлашди ва бу энг биринчи навбатда давлат ва ҳокимият эгаси сифатида Худоёрхондан умумий норозиликнинг кучайишига сабаб бўлди. Хонлик фуқароси кейинги йилларда солиқларнинг ҳаддан ошиқ кўпайганлигидан норози бўлса, юқори табақа вакиллари ва сарой зодагонлари Худоёрхоннинг давлат бошқаруви ишларидан сиёсий вазиятни тўлиқ ўз қўлига ола олмаганлигидан норози бўлган эдилар. XIX асрнинг 40 - 60 йилларида Қўқон хонлигида рўй берган сиёсий вазиятга баҳо берар экан, Ҳ.Зиёев шундай таъкидлаб ўтади: "... ўзаро урушларнинг тинимсиз давом этиши ва тахтга нобоп шахсларнинг ўтириши оқибатида хонлик ҳар жиҳатдан чуқур инқирозга учради. Оғир аҳволга қарши халқ ғалаёнлари кўтарилди" [3, Б. 33].

XIX асрнинг 50-йилларига келиб Қўқон хонлигининг кўчманчи қозоқлар яшайдиган ҳудудларида, шунингдек Туркистон, Чимкент ва бошқа ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларида солиқларнинг миқдори ошириб юборилади. Масалан, Қўқон хонлигида солиқ тизимини ва солиқ турларини З.Хатамова шундай тадқиқ этган: "Қўқон хонлигида аҳолидан йиғилган солиқ турларини расмий ва махсус солиқ турларига ажратиш мумкин. Хирож, закот, савдодан олинадиган солиқ, хайвонлар ҳисобидан олинадиган солиқ, тарози солиғи, дарёни кесиб ўтганлик учун солиқ, туз солиғи, ушр солиғи сингари расмий солиқлар турлари бўлган. Танобона, тўй-марака маросимларидан йиғиладиган солиқ, мерос бўлишдан йиғиладиган солиқлар махсус солиқлар турига киради.... Қўқон хонлиги Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиққанлиги учун солиқ тизими ва солиқ турлари Бухоро хонлиги солиқ тизими замирида шаклланган. Лекин сўнги йилларда Худоёрхон даврида солиқ тизимида кўплаб ўзгаришлар киритилган." - дея хонликдаги солиқ турларини бирма бир таҳлил қилиб ўтган [1, Б.75-84].

Хонликнинг солиқ сиёсатида қарши норозилик ҳаракатларидан бири 1858 йил Тошкент беклигига қарашли ҳудудларда бўлиб ўтган эди. Қўқон хонлигида вилоят ҳокимларига хирож ва танобона солиқларни олиш ҳуқуқи ҳам берилган [1, Б.78] Худоёрхон даврида (1865-1875) ҳар йили хон хазинасига вилоят ҳокимлари 1500000 рубльга тенг миқдорда солиқ топширганлар.

Солиқ йиғувчи амалдор оддий халқ тилида танобчи (ер ўлчовчи ҳамда ҳар бир таноб ердан солиқ олувчи), закот солиғини йиғувчи амалдорлар закотчи деб аталганлар. Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги Чимкент, Туркистон ва Авлиёотада яшовчи аҳолидан одатдан ташқари барча чорва молларига солиқ тўланиши ҳамда турмушга чиқаётган ҳар бир қиз учун бир тиллодан солиқ

жорий қилинганини маълум қилганда, норози бўлган халқ қўзғолон кўтаради. Бундан ташқари манбаларда ёзилишича, Тошкент ҳокими бўлиб турган Мирзо Аҳмад қўшбеги амалда мустақил бошқарувни амалга ошириб, зулм ва зўравонликни ҳаддан оширади. Айниқса, солиқ сиёсатида шафқатсиз йўл тутди. Хаттоки, қуш пули, кўк пули каби майда солиқларни йиғиш жараёнида солиқ тўлай олмаганлардан ёш ўгли ёки қизини солиқ сифатида тўлашга ҳам мажбур қилади. Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ва вақтида йиғилиши шарт бўлса-да, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу нарса ўзгариб турган.

Харбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқлар тури ва миқдори оширилган [1, Б.82].

Бу эса юқорида таъкидланганидек, фақат Мирзо Аҳмад қўшбегидангина эмас, балки давлат раҳбари сифатида Худоёрхондан ҳам умумий норозиликнинг ошишига олиб келган эди. Мазкур қўзғолоннинг сабабларини тарихчи Муҳаммад Юнус Тоиб халқнинг амалдорлар сиёсатидан, хусусан, Нормуҳаммад парвоначи ҳамда Мирзо Аҳмад қўшбеги зулмидан сабр косаси тўлганлигида ва Худоёрхоннинг бепарво ҳамда фуқаролар ҳолидан гофил эканлигида, деб кўрсатади [3, Б.110-111].

Тарихчи ва давлат мансабдори бўлган Абу Убайдулло Тошкандийнинг ёзишича, Мирзо Аҳмад қўшбеги томонидан кўплаб солиқларнинг солиниши ва зулмнинг ҳаддан ортиши натижасида халқ оммасининг норозилиги кун сайин кучайиб боради. Ҳатто солиқчилар закот ва ҳирож йиғиш учун қўшин билан чиқадиган бўлдилар. 1857 йил Авлиёота атрофида яшовчи аҳолидан солиқ йиғиш ишларида Абу Убайдуллонинг ўзи ҳам иштирок этган. Бу қўзғолонга Худойберган ибни Бойит Баҳодур бошчилик қилган эди [4, Б.261].

"Дашти Қипчоқнинг, - деб ёзади Муҳаммад Солиҳ, - турли чеккаларида яшовчи қабила ва уруғлар ўзаро бирлашиб, Қўқон хонлигининг ва айни вақтда Тошкент беклигининг тасарруфидан чиққанлигикларини эълон қилдилар. Улар солиқчиларга бир дирҳам у ёқда турсин, бир фулус ҳам тўламадилар. Аксинча, Дашти Қипчоқнинг Туркистонгача бўлган ҳудудлари қўзғолонлар ва тартибсизликлар исканжасида қолди" [5, Б.202] Юзага келган вазиятнинг сабаблари ҳақида бошқа манбаларда мутлақо бошқача талқиндаги маълумотлар учрайди. Масалан, Л.Соболевнинг кўрсатишича, Оқмачитнинг қўлдан кетиши оқибатида Худоёрхон хонлигининг шимолий ҳудудларида алоҳида бошқарувни жорий этади ва ҳокимлик вазифасига ўзининг энг яқин амалдорларидан бири Мирзо Аҳмад қўшбегини кўяди. Унга ваколат топширар экан, Худоёрхон "руслар таъсири ва ҳукмронлиги остида бўлган барча кўчманчиларни талон-тарож этиш ва қатл этиш"ни алоҳида тайинлайди. Бунинг оқибатида эса "хонлигининг барча шимолий ҳудудлари қўзғолонлар гирдобидида қолди" [6, Б.152].

Мирзо Аҳмад қўшбеги қўзғолонни бостириш учун қўшин билан Олма отада тўхтади ва бу вақтда Пишпакда турган йирик қўзғолончилардан бири Сўфитой бийга қарши беш понсот бошчилигида қўшин жўнатди. Бироқ юборилган қўшин мағлубиятга учради. Қозонилган ғалабадан руҳланган қўзғолончилар бу вақтда Авлиё отага қайтиб келган Мирзо Аҳмадни шаҳар ичига қамаб, қамал қилдилар. Қамалда арғун, дуғлат, барлос, қўнғирот, бештамғали, санчқли, сирғали, қора қалпоқ ва бошқа уруғлар иштирок этади.

Тошкент ҳукуматининг вазири Мирзабий бошчилигида Чимкент атрофларига закот йиғиш учун юборилган қўшин сирғали, қўнғирот ва бошқа уруғлар томонидан



мағлубиятга учратилади. Мирзабийнинг ўзи ва яқин амалдорлари эса тўқнашувларда ҳалок бўлади [2,Б.58]

Хонликнинг шимолий ҳудудларида шундай аҳвол юзага келиб қолдики, ҳеч бир лашкарбоши бу ерга келишни истамай қолди. Худоёрхон қўзғолонни бостириш ва қўзғолончилар томонидан Авлиёотага қамаб олинган Мирзо Аҳмад қўшбегини қутқармоқ учун дарҳол Шодмонҳожининг боши ва ўзининг акаси Маллабек бошчилигида қўшин жўнатади. Қўзғолон Маллабекнинг тадбиркорлик билан йўл тутиши, яъни қўзғолончилар қўйган шартларни бажаришни зиммасига олганлиги натижасида бостирилади ва юртда тинчлик ўрнатилади. Шодмонҳожининг боши эса Тошкентга ҳоким этиб тайинланади [7,Б.212].

Юқоридаги воқеалардан сўнг Худоёрхон ва унинг ҳукуматига бўлган ишончсизлик ошиб кетади. Бу вақтда Бухоро амири Насрулло Ўратепани қамал қилиб, қўқонликларни мағлубиятга учратади ва Хўжандга юриш қилади. Бироқ, амирнинг юриши шаҳар ҳокими Ёқуббек Бадавлат томонидан тўхтатилади ва амир чекинишга мажбур бўлади. Бу воқеалардан сўнг Маллабек хоннинг акаси сифатида энг нуфузли амалдорлардан Мирзо Аҳмад қўшбеги ва Дўстмуҳаммад дастурхончиларни Худоёрхоннинг юрт ва фуқаро ҳолидан беҳабар ва гофил бўлишида асосий айбдорлар ҳисоблаб, уларни қатл қилмоқчи бўлади. Бироқ бошқа амалдорларнинг аралашувларидан сўнг ўз фикридан қайтиб, одамлари билан Қўқондан чиқиб Андижонга кетади [8,Б.55].

Маллабекнинг бу иши Худоёрхонда норозилик уйғотиб, бош вазирнинг аралашуви билан эса қатлга ҳукм қилинди. Айнан шу сабаб йирик давлат амалдорлари ва бир қатор қирғиз - қипчоқ жамоалари ва уруғлари бошлиқларининг Маллабекка хайрихоҳлигини янада кучайтириб юборди. Андижонда Маллабек бошчилигидаги гуруҳ Худоёрхонни тахтдан ағдариб, тахтни эгаллаш режасини амалга оширишга киришади. Бу ердан Маллабек ўзининг энг ишончли кишиларидан бирига айланган Мулло Алиқулининг маслаҳати билан Ўшга келади. У Ўшда Олимбек додхоҳ, Сайидбек додхоҳ ва бошқа нуфузли кишилар билан иттифоқ тузиб, ҳокимиятни ўз қўлига олиш ва мамлакатда тартиб ўрнатиш фикрида эканлигини айтади. Бу ерда бир қанча маслақдошлар орттириб, ҳарбий кучга эга бўлган Маллабек яна қайтиб Андижонга, Тошлоқ мавзесига келади ва бу ерда Алиқулининг ҳовлисида хонлик рутбасига кўтарилади. Улар шу ерда туриб ҳокимиятни эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлайдилар. Маллахоннинг бу ҳаракатини давлатга қарши сиёсий жиноят ёки сиёсий фитна сифатида, ислом динига ва қонунларига мос келмайдиган ҳамда шарият йўли қўймайдиган бир ҳаракат деб ҳам баҳолаш мумкин, бироқ, юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Маллахон юртда тартиб ўрнатиш, саройдаги бош-бошдоқликларни тугатиш, ўзаро фитналарга барҳам бериб, кучайиб бораётган Россия имериясининг босқинчилик тажовузини олдини олиш мақсадида ҳокимият учун кураш олиб борган. Унинг бу мақсадини кўпгина амалдорлар ва давлат арбоблари, дин пешволари ҳам қўллаб қувватлаган эдилар. Бироқ, Маллахоннинг тахт учун кураш олиб бориши ва тахтга келиши илгари ҳокимият эгалари бўлиб, давлат сиёсий бошқарувига ниҳоятда катта таъсир ўтказиб келган қирғиз - қипчоқ зодагонларининг мақсадлари асосида амалга оширилди, деб қараш нотўғри бўлади [9,Б. 214-217].

Гарчи бунда катта ҳарбий куч ва мавқе эгалари бўлган қирғиз-қипчоқ зодагонлари Маллахонга яқиндан ёрдам берган бўлсаларда, бу кураш саройдаги ҳокимият учун интилаётган кучларнинг ўзаро тўқнашуви, фитналар, тахтга бўйсунмаслик ва Худоёрхон томонидан фуқароларнинг барча қатламлари манфаатларини кўзлаб сиёсат юритилмаганлиги, қолаверса бир қанча вақтлардан буён тахтни қўлга киритишни кўзлаб юрган Маллахоннинг шахсий манфаатлари асосида юзага келган эди, деб ҳам қараш лозим.

1858 йилда Маллабек Алиқули ёрдами билан айни дамда Бухоро амирига қарши жангда бўлган Сўфибек ва Шоҳмуродларнинг йўқлигидан фойдаланиб, уларнинг ҳукми остида бўлган Андижон ва Марғилонни қўлга киритади. Кейинги юришлар Қўқонни эгаллашга қаратилади ва ака - ука ўртасидаги жанг Самончи мавзесида бўлиб ўтади. Маллахон бу жангда ғалабага эришади ва бир неча кунлик қамалдан сўнг, Қўқонни эгаллайди. Маллахоннинг бу ғалабаси ва тахтни эгаллаши Тошкент ҳокими Султон Муродбек, Ўтамбой кўшбеги, Андижон ҳокими Сўфибек ҳамда қурамаликлар томонидан муборакбод этилади ва унинг қонуний тахт эгаси бўлганлиги эътироф этилиб, Маллахонга ўз тобеликларини билдирадilar. Худоёрхон эса ўзини қўллаб-қувватловчи куч қолмаганлиги туфайли Бухоро амири ҳузуридан паноҳ топади. Маллахон тахтга ўтиргач, биринчи навбатда хонликда тартиб ўрнатишга ва хон ҳокимиятини кучайтиришга киришади. Маллахоннинг амалга оширган бундай тадбирлари ҳамда ички сиёсат соҳасида олиб бораётган амаллари кейинчалик ўзини оқламайди ва Маллахон ҳукмронлигининг инқирозга учрашига олиб келади.

Юқоридагиларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрнинг 50-60 - йилларида Қўқон хонлигида мураккаб сиёсий вазият юзага келди. Бу сиёсий кескинликларнинг хонлик иқтисодий ҳаётига, айниқса унинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсири катта бўлди. XIX асрнинг 50-йилларида хонликда турли сабаблар билан юз берган қипчоқлар кўзғалони ва уларнинг қирғин қилиниши, солиқлар ва йиғимларнинг кўпайиб кетганлигига қарши хонликнинг турли ҳудудларида кўтарилган кўзғалонлар ва уларнинг куч билан бостирилиши, айниқса саройда бошбошдоқлик ва фитналарнинг кўпайиши сиёсий ҳаётдаги тангликни юзага келтирди. Ички сарой фитналари оқибатида Худоёрхон тахтдан қувилди, Маллахон, Шоҳмуродхон ўлдирилди, марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик, тарафкашлик ҳолатлари кучайди. Ана шундай сиёсий вазият ҳокимият тепасига хон хонадони вакиллари ҳокимиятининг эмас, балки ҳарбийлар ҳокимиятининг юзага келиши учун шароит яратди. Ана шундай ички сиёсий кучларнинг ўзаро курашлари натижасида Султон Саййидхонга ҳомий сифатида Алиқули ҳукмдорлик жilовини ўз қўлига олди. Бироқ Алиқули ҳокимиятига қипчоқлар мавқесини юқори қўювчи ҳокимият сифатида қараш керак эмас. Воқеалар жараёнига асосланган ҳолда, Алиқули қирғиз - қипчоқ зодагонларининг саройдаги мавқесини тиклаш мақсадида эмас, балки саройдаги ички парокандаликлар ва сарой фитналари орқасидан вужудга келган сиёсий вазият жараёнида ҳокимият тепасига чиқди, деб хулоса чиқариш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хатамова З. Қўқон хонлиги солиқ тизими тарихидан // Ўтмишга назар журнали 2019 йил 11-сон. 75-84б. (Khatamova Z. "From the History of the Tax System of the

Kokand Khanate"// "Journal of look to the Past" 2019, Issue 11,75-86p).

2. Илхомов З. Амир лашкар тарихи. -Т., 2008. -Б.132. (Ilkhomov Z. History of the Emirate, vol., 2008, 132 p).

3. Зиёев Ҳ.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Б.33 (Ziyeov H.Z. The fight against Russian aggression and rule in Turkestan. -P.33).

4. Абу Убайдулло Тошкандий. Хулосат ул - аҳвол. -Б.261а-261б. (Abu Ubaidullah Tashkent. Conclusion ul - Status. -P.261a - 261b).

5. Мухаммад Солих Тошкандий. Тарихи жадиди Тошканд. -Б.202. (Muhammad Salih Tashkent. History of Tashkent. -P.202).

6. Соболев Л. Краткий обзор положения дел в Коканде. Туркестанский сборник. Т.152. (Sobolev L. A brief review of the situation in Kokand. Turkestan collection, vol. 152).

7. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI-середина XIXв.). -М., 1958. -С.212 (P.P. Ivanov. Essays on the history of Central Asia .. (XVI-mid XIX century.). -М., 1958. -С.212).

8. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. -С.55.(Nabiev R.N. From the history of the Kokand Khanate. -P.55).

9. Мухаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амирлашкар // Шарқ юлдузи. 1996. №1-2. -Б.214-217 (Muhammad Yunus Toib. History Aliquli Amirlashkar // Sharq yulduzi. 1996. No. 1-2. -P.214-217.).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Курязов Улугбек Тураевич**  
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий  
рассомлик ва дизайн институти,  
Ҳайкалтарошлик кафедраси доценти

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСВИРИЙ САНЪТИ ТАРИХИДАН

---

*For citation: Kuryazov U.T. The timurid period from the history of the fine arts. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 28-33*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-04>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада олимларнинг тасвирий санъат тарихи, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври миниатюраси кўриб чиқилади. Асосий эътибор Мирак Наққош ва машҳур миниатюрachi Камолиддин Беҳзодларнинг ижоди тарихига қаратилади. Бир неча миниатюра асарларининг солиштирма таҳлили берилди. Шунингдек, жаҳон кутубхона ва музей фондларида сақланаётган баъзи миниатюраларга таъриф берилди.

**Калит сўзлар:** миниатюра, тарих, олимларнинг тадқиқотлари, темурийлар даври, тасвирий санъат, Ўрта Осиё, кутубхоналар, музей.

---

**Курязов Улугбек Тураевич**  
Национальный имени Камолиддина Беҳзода  
институт Искусства и Дизайна,  
доцент кафедры скульптуры

## ИЗ ИСТОРИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В ПЕРИОДА ТЕМУРИДОВ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются труды учёных по изучению истории изобразительного искусства, в частности миниатюры эпохи Амира Темура и темуридов. Особое внимание уделяется истории творчества Мирак Наккоша и выдающегося

миниатюриста Камолиддина Бехзода. Даёться сравнительный анализ нескольких миниатюрных произведений. А также проанализированы некоторые миниатюры, хранящиеся в фондах музеев и библиотек мира.

**Ключевые слова:** миниатюра, история, труды учёных, эпоха тимуридов, изобразительное искусство, Средняя Азия, библиотеки, музей.

**Kuryazov Ulug'bek Turaevich**

National named after Kamoliddin Behzod  
Institute of Art and Design,  
Associate Professor of the sculpture chair

## THE TIMURID PERIOD FROM THE HISTORY OF THE FINE ARTS

### ANNOTATION

The article examines the works of scholars in the study of the history of fine arts, in particular miniatures of the Amir Temur era and timurids. Special attention is paid to the history of the creativity of Mirak Nakkosh and the outstanding miniaturist Kamoliddin Behzod. A comparative analysis of several miniature works is given. As well as analyzed some miniatures stored in the collections of museums and libraries of the world.

**Key words:** miniature, history, works of scientists, timurid era, fine arts, Central Asia, libraries, museum.

Тарих саҳифаларидан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида маданият юксақ даражада ривожланиб, санъат қадим замонлардан бери тараққий этиб келган. Ўрта Осиё тасвирий санъатининг ўзига хослиги ва улкан тарихга эга эканлигини швед олими Ф.Мартин ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтган. 1912 йилда унинг "VIII асрдан XVIII асргача Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда миниатюра санъати ва мусаввирлари" деб номланган асари эълон қилинган. Сўнгра олим Ўрта Осиё тасвирий санъатига доир қатор мақола ва китобларини нашр эттирган [1, С.49]. Темурийлар салтанатидаги сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Ўрта Осиёда ҳеч вақт бўлмаганлигини Ф.Мартин алоҳида таъкидлайди [2, Р. 35].

Афғонистон ва Эрон олимларининг ҳам мазкур мавзуга доир муҳим илмий-тадқиқот ишлари мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Афғон тарихчиси Али Аҳмад Наимий 1950 йили чоп этилган "Темурийлар даври суратгар ва хушнавислари" деган асари катта илмий аҳамиятга эгадир. Мазкур асарда темурийлар даври мусаввирлари, наққош ва хушнавислари ҳақида муҳим маълумотлар берилди. Шунингдек, Афғон олимларидан Муҳаммад Али ва Муҳаммад Абдулла Чигатой, Али Аҳмад Наимийларнинг, Шарқнинг гениал наққоши ва мусаввири - Бехзоднинг ҳаёти ва ижодига бағишланган рисолалари ҳам мавжуд.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия ва Ўзбекистон олимларининг тадқиқот ишлари мазкур ҳолга хотима ясади ва ўрта асрлар тасвирий санъати деганда Ўрта Осиё халқларининг ҳам мазкур давр санъати тарихидаги ўрни ҳақида илмий хулосалар чиқарилишига эришилди. Бу борада О.Галеркина, И.Дьяконова, Н.Норқулов, И.Низомиддинов Э.Исмоилова, Г.Пугаченковаларнинг илмий-тадқиқотларини мисол келтириш мумкин. Улар ўзларининг тасвирий санъат

тарихига доир ўнлаб китоб, рисола ва мақолаларида, Ўрта Осиё халқи тасвирий санъати улкан тарихга эга эканлигини таъкидлаб, унинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақида илмий хулосалар чиқариб, бу ҳудуд халқларининг жаҳон тасвирий санъати тарихида тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар баён этганлар [1, С. 50].

Бугунги кунгача Амир Темур ва темурийлар салтанатидаги тасвирий санъат намоёндалари ҳақидаги маълумотлар жуда кам миқдорда етиб келган. Уларнинг энг истеъдодлилари Амир Темур даврида яшашган. Қуйида ана шу даврларга оид бир неча тасвирий санъат усталарининг ижодини ўрганиб, асарларини тахлил этиш жоиз деб топилди.

Ўз замонасининг машҳур мусаввири Абдулҳай, Темур саройида ижод этган бўлиб, Бағдодда тахсил олган. У Устод Шамсиддиннинг шогирди эди. Амир Темур 1393 йилда Бағдодга ҳарбий юриш қилганида, ўзининг давлатидаги наққош, хаттот, рассом кабиларнинг сафини янги истеъдод эгалари билан кўпайтириш мақсадида наққош Абдулҳай ва Устод Шамсиддинларни Самарқандга олиб келган.

Олимлар томонидан Берлин кутубхоналаридан бирида сақланаётган бир мураққада ўрдак сурати ва жанг саҳнаси тасвирланган Абдулҳайнинг қаламига мансуб икки асар мавжудлиги аниқланган. Мазкур суратлар тўлақонли ва ҳаққоний чиққанлиги билан Абдулҳайнинг моҳир ҳунар эгаси эканлигидан далолат беради. Парижда Ротшильд коллекциясида сақланаётган Шайх Саъдийнинг "Гулистон" асари нусхасида уч сурат бўлиб, унинг хошиясидаги эслатмада уларнинг иккитаси Беҳзод, учинчиси Абдулҳай қаламига тегишли эканлиги ёзилган. Абдулҳайга мансуб асар "Туя минган сайёҳ ва пиёда дарвеш" деб номланади. Санъатшунос олимлардан Г.Пугаченкова ва Л.Ремпеллар мазкур миниатюра асарини ўрганиб чиқиб, у Абдулҳай ишидан Беҳзод қўли билан кўчирилган нусхадир, деган хулосага келганлар. Чунки қўлёзма кўчирилган пайтда Абдулҳай ҳаёт эмас эди, у 1502-йилда Табризда вафот этган. Тасвирнинг ишончли чиққани, жонлилиги, ҳар бир чизиқ, нуқтанинг мустаҳкам ва ўринли қўйилгани суратнинг Беҳзод мўйқаламига мансублигидан далолат беради. Тасвир колоритининг бирмунча чекланганлиги Абдулҳайга хосдир [3, С.174].

Амир Темур замонида яшаб, ижод этган моҳир мусаввирлардан яна бири Пир Аҳмад Боғи шамолийдир. Санъатшунос олимларнинг фикрича, Самарқанддаги Боғи шамол чорбоғининг қасрини нақшлар ва суратлар билан безагандан кейин у шу тахаллусни олган. Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонада Абдурахмон Жомийнинг 1549 йили кўчирилган "Силсилотуз-заҳаб" достонига Пир Аҳмад Боғи-шамолийнинг қаламига мансуб бир сурат илова қилинган [4, С. 293-294].

Бу қўшалок суратда асосан ов манзараси тасвирланган бўлиб, унда олтин тусдаги осмон билан тоғ қўзга ташланади, тоғ чўққилари пушти, зангори, сарғиш ранглардаги арча ва буталар билан қопланган. Асарда ишлатилган ранглар бир-бирига мутаносиб танланган. Тепаликларнинг оралиғида арҳор, оҳу, кийиклар ва бекиниб ётган қоплон устига харсанг ирғитмоқчи бўлаётган айиқ тасвирланган. Овчилар ҳайвонларни ана шу тоғ ён бағрига ҳайдаб келиб, оҳу ва кийикларни ов қилишмоқда. Бу асар мукамал композицион ечимга эга бўлиб, манзара жонли ва ишонарли тасвирланган.

Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар давридаги тасвирий санъат ривожига улкан ҳисса қўшган рассомлар сирасига Мирак наққош ва Камолиддин

Беҳзодларни киритишимиз мумкин. Булар ўз даврининг етук миниатюрочи рассомлари бўлган ва бугунги кунда ҳам уларнинг асарлари дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Чунки мусаввирлар мўъжазгина кичик хажмдаги асарларда ўзларининг серқирра талантини акс эттира олган.

Мавлоно Мирак наққош ҳиротлик бўлиб, уни Саид Мирак ёки Хўжа Мирак деб ҳам аташган. У мадрасада ўқиб, қуръонни, хаттотликни ўрганади. Иморатларга китоба ёзиш билан ҳам шуғулланган. Мусаввирлик сирларини мукамал ўрганиб, танила бошлагандан сўнг, Султон Ҳусайн Мирзо китобхонасига бошлиқ қилиб тайинланади [3,С.176]. У иморатларни безаш билан бирга, бетакрор хаттот ва ёрқин, истеъдодли миниатюрочи рассом сифатида ҳам улуғланган. Лондондаги Британия музейида Низомий Ганжавийнинг "Хамса"сида у чизган бешта миниатюра асари мавжуд бўлиб, қолганлари Беҳзодники эканлиги аниқланган. Бу музейда Мавлоно Мирак наққошга тегишли Низомийнинг "Хамса"сидаги "Фарход Ширин қабулида" ва "Ширин Хосровнинг суратини олмоқда" каби асарларининг асл нусхалари ҳам сақланади. Биринчи асар саҳнасидаги воқеа бой одамнинг уйи интерьерида, иккинчиси эса табиат қўйнида акс эттирилган. Иккинчи асарда тўқ яшил кўлмак сув, гуллаётган дарахтлар, осмоннинг тилла ранглари ёзнинг иссиқ уфорини беради, ёрқин рангдаги кийимларда акс эттирилган аёллар тасвири Эрам боғларига экилган чиройли гулларни, Шарқ нафосатини эслатади ва томошабинда чуқур таассурот уйғотади. Мирак наққош бу асарлари орқали моҳир колорист ва ҳар бир детални ўз ўрнида нафис чизиқлар билан жойлаштира оладиган рассом сифатида гавдаланади. Унинг асарлари ҳамма жиҳатдан яхлит композицион ечимга эга. Мавлоно Мирак наққошнинг ижоди Хирот мактабининг энг юксак чўққилар сари ютуқларини умумлаштиради. Рассомнинг "Аждарҳолар" миниатюра асари Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонада сақланади. Мазкур асар унинг нафис чизматасвир устаси бўлганлигидан далолат беради. Асарда бир-бирига чирмашган гавдали, букилган оёқли, қинғир-қийшиқ, бақуват мушакли баҳайбат махлуқлар, оғзларидан олов пуркаб жанг қилмоқдалар. Рассом гўёки уч ўлчамли композиция яратишга интиланган ва бир тусга бўйсундирилган бўёқларда моҳирона ишлаган [6. - С. 208-209]. Мирак Наққош ижоди, XV юз йилликнинг иккинчи ярмида шаклланган хирот тасвирий санъат мактабининг энг олий ютуқларини умумлаштиради.

Юқорида қайд этилганидек, ўз замонасининг яна бир етук ижидкорларидан бири Камолиддин Беҳзоддир. У 1455 йилда Хиротда туғилган. Ёшлигидан расм чизишни жуда яхши кўрган ва буни сезган Мирак наққош уни ўз тарбиясига олиб, расм чизиш санъатини ҳам ўрганиб, давом эттиришга йўл очиб берган.

Манбаларда ёзилишича, Беҳзоднинг устози Саид Аҳмад Табризий бўлган ва у ўсмирлик пайтиданоқ ажойиб асарлар яратиб, талантли шогирд сифатида танилган. Ундаги санъатга бўлган қизиқишнинг ривожланишида Алишер Навоийнинг хиссаси катта бўлган. Беҳзод унга яқин кишилар орасида ижод қилган ва унинг асарлари кўпчилик олдида муҳокама қилиниб, охириги хал қилувчи баҳони Алишер Навоий берган экан. Бу ҳақда Навоий ва Беҳзод билан шахсан таниш бўлган тарихчи Хондамир ёзган. Беҳзод маърифатпарвар олимлар даврасида тарбияланиб, тезда моҳир санъаткор - наққош ва мусаввир сифатида танилди.

Беҳзод новатор рассом бўлиб, манзара, батал, маиший, портрет жанрларида самарали ижод қилган. Унинг асарлари тасвирнинг ҳаққонийлиги, жозибadorлиги билан кишига завқ бахш этади.

Хисрав Дехлавийнинг "Лайли ва Мажнун" достонига чизилган суратлар диққатга сазовор бўлиб, улар Беҳзоднинг янада юксак ижодий ва исоний камолотидан, тасвирларни мазмунан бойита олиш маҳоратидан дарак беради. Қўлёзмада "Лайли ва Мажнун саҳрода" композицияси ҳам мавжуд [1, С.105]. Унда Лайли ҳолдан тойган Мажнуннинг бошини тиззаси устига авайлаб қўяётган ҳолатда тасвирланган. Саҳро қаъридан ўтган зилол сувли ариқ қирғоқлари гуллар билан қопланган, ҳарсанг тошлар орасидан кўм-кўк булутлар сизиб чиқмоқда. Шер, қоплон, тоғ буғуси, шоғол, туя, кийиклар гўёки икки инсоннинг севги кучи билан сеҳрлангандек сукутда, улар дардига шерик. Руҳий кечинмалар оҳанги улкан мўйқалам соҳиби томонидан моҳирона очилган.

Камолиддин Беҳзод портрет жанрида ҳам самарали ижод қилган бўлиб, Америка Қўшма Штатидаги хусусий коллекцияда сақланаётган "Муҳаммад Шайбонихон портрети" ва Стокгольмда Ф.Р.Мартин тўпламидаги "Султон Хусайн Бойқаро портрети" шулар жумласидандир. "Шайбонихон портрети" унинг энг сара асарлари сирасига киради. Хоннинг оддий кийимда тасвирланганлиги, унинг камтар инсон бўлганлигидан далолат беради. Хусайн Бойқаронинг олдида турган хар бир предметнинг рамзий маъноси бор. Рассом асарда бир-бирига контраст бўлган атиги бешта асосий тусни қўллайди: қизил, яшил, қора, оқ, кўк. Буюк колорист Беҳзод, бу асарда портретчи-Беҳзодга жой бўшатади, яъни мазкур асарда чегараланган сонли тусларнинг эффектли уйғунлигидаги асосий эътибор бир нарсага, яъни портретланувчининг юз ифодаси ва характерини етказиб беришга қаратилган. Унинг асарлари бугунги кунда, дунёдаги энг нуфузли музейларнинг нодир дурдонаси сифатида жой олган. Жумладан, "Шер" асари Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонада, "Зафарнома" қўлёзмасига чизилган "Жанг" ва "Масжид қурилиши" асарлари АҚШ даги Пристон университетиде, "Бўстон" қўлёзмасига ишланган "Подшо Дорий ва чўпонлар" асари Миср миллий кутубхонасида сақланади. Беҳзоднинг шарқ миниатюраси ривожига қўшган улкан ҳиссаси мислсиз дейилса, муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда тасвирий санъат, хусусан миниатюра санъати, адабиётнинг равнақи билан бевосита боғлиқ ҳолда равожланди. Тасвирий санъат усталари Хусрав Дехлавий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий кабиларнинг асарларига миниатюралар чизишган. XIV асрга келиб эса, уларнинг "Жомеъ ут-таворих", "Тарихи Рашидий" каби замонасининг воқеа ва ҳодисаларидан акс этадиган тарихий асарлари пайдо бўлди. Бу анъана Амир Темур ва темурийлар давридаги султонлар замонасида ҳам давом этди. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Хотифийнинг "Темурнома" каби асарларига ишланган миниатюралар фикримизнинг далилидир. Шу ўринда, XIV - XVI асрларда тасвирий ва амалий санъатнинг ривожини, ўтмиш авлодларимизнинг маиший ҳаёти, кийимлари қандай бўлганлигини миниатюра асарлари орқали билиш мумкинлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонга тегишли шох миниатюра асарлари дунёнинг қайси мамлакатада сақланмасин, улар нуфузли санъатшунос, тарихчи олимларнинг самарали илмий-тадқиқотлари маҳсули орқали элга манзур қилинмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Норқулов Н., И. Низомиддинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Тошкент,



1970. -Б.49,105. (Norkulov N., I.Nizomiddinov. Pictures from miniature history. - Tashkent, 1970. - P. 49,105).

2.Martin F.R.. The miniature painting and painters of Persia, India and Turkey, London, 1912. - P. 35-36. (Martin F.R.. The miniature painting and painters of Persia, India and Turkey. -London, 1912. - P. 35-36).

3.Мастера искусств об искусстве, т. 1, Москва, 1965. - С. 174,176 (Master of arts about art, t. 1. -Moscow, 1965. - P.174,176).

4.Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. - Москва: 1965. - С. 293-294. (Pugachenkova G.A., Rempel L.I. History of Arts of Uzbekistan. - Moscow: 1965. - P. 293-294).

5. Пугаченкова Г.А. Искусство Афганистана. - Москва: 1963. - С. 208-209. (Pugachenkova G.A. The Art of Afghanistan. - Moscow: 1963. - P. 208-209).


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Tursunova Nigora,**  
O'zDJTUo'qtuvchisi

**Bo'ronov Nazim,**  
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi huzuridagi  
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or  
texnologiyalarni tatbiq etish markazi xodimi

## ABU ALI IBN SINO ILMIY MEROSINING TARIXIY AHAMIYATI

*For citation: Tursunova Nigora, Buronov Nazim. Historical significance scientific heritage Abu Ali Ibn Sina. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 34-37*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-05>

### ANNOTASIYA

Ushbu maqolada, o'rta asrlarda yashab o'tgan, ilm-fanning barcha yo'nalishlari, xususan, tabobat nazariyasi va amaliyoti rivojiga yuksak ulush qo'shgan Abu Ali ibn Sino tarixiy merosining yangi qirralarini kashf etish hamda undan ilm-fanning turli yo'nalishlari, jumladan, tibbiyot amaliyotini taraqqiy ettirish yo'lida foydalanishni tadqiqot darajasiga ko'tardik. Shuningdek, dunyo olimlari allomaning ilmiy izlanishlarini tadqiq etayotgan bir vaqtda mamlakatimizda oily ta'lim tizimida Abu Ali ibn Sino tarixiy merosini o'rganuvchi mutaxasis kadrlarni tayyorlash istiqbollari yuzasidan tahliliy fikr-mulohazalar bildirilgan.

**Kalit so'zlar:** tibbiyot amaliyoti, mutaxasis, anatomiya, Avitsenna, tadqiqot darajasi.

**Турсунова Нигора,**  
Преподаватель УзГУМЯ

**Буронов Назим,**  
сотрудник Центра исследований развития высшего образования и  
внедрения передовых технологий при Министерстве высшего и среднего  
специального образования

## ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНЫЕ НАСЛЕДИЕ АБУ АЛИ ИБН СИНО

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье мы подняли на исследовательский уровень открытие новых аспектов исторического наследия Абу Али ибн Сино, жившего в Средние века, внесшего большой вклад в развитие всех направлений науки, в частности, в теорию и практику медицины, и использование его в различных областях науки, в том числе в области развития медицинской практики. Одновременно, изучая научные исследования ученых мира, мы провели глубокий анализ перспектив подготовки специалистов, изучающих историческое наследие Абу Али ибн Сино в сфере высшего образования в нашей стране.

**Ключевые слова:** медицинская практика, специалист, анатомия, Авиценна, исследовательская степень

**Tursunova Nigora,**  
Teacher of UzSWLU

**Buronov Nazim**

Employee Of the center for research on the development of higher education and the introduction of advanced technologies under the Ministry of higher and secondary special education

**HISTORICAL SIGNIFICANCE SCIENTIFIC HERITAGE ABU ALI IBN SINO****ANNOTATION**

In this article, we have raised the level of research to explore new aspects of the historical heritage of Abu Ali ibn Sina, who lived in the Middle Ages, adding a high share to the development of all areas of Science, in particular, the theory and practice of Medicine, and to use it in various areas of science, including the development of medical practice. At the same time, scientists of the world are studying the scientific research of the scientist, we conducted an in-depth analysis of the prospects of training specialists studying the historical heritage of Abu Ali ibn Sina in the system of higher education in our country.

**Key words:** medical practice, specialist, anatomy, Avitsenna, research degree

**M**a'lumki, Markaziy Osiyo xalqlari madaniyatini o'rta asr sharoitida dunyo sahnida keng tanitgan, buyuk mutafakkirlardan biri Abu Ali ibn Sino bo'lib, u Ovro'poda Avitsenna nomi bilan mashhurdir. Ibn Sino (asl ismi Husayn, otasining ismi Abdulloh) Buxoroning Afshona qishlog'ida hijriy 370 (980) yilning safar oyida, amaldor oilasida tug'ildi hamda 986-yilda ibn Sino oilasi Buxoroga ko'chib keladi va shu vaqtdan boshlab yosh Husayn boshlang'ich ma'lumot olishga, ilm-fanni o'rganishga kirishadi. Uning yoshligi, yigitlik chog'lari somoniylar hukmronligining so'ngi yillariga, xususan Nuh II ibn Mansur Somoniy hukmronligi davri (976-997) ga to'g'ri keladi. Mamlakatdagi tub o'zgarishlar tufayli, 1023 yilda Isfahonga qochdi hamda butun umrini ilmiy asarlar yozishga bag'ishladi. Shu tariqa uning dunyoga mashhur "Kitobal-qonunfit-tibb", "Kitob un-najot", "Kitobul-insof" kabi asarlari, geometriya, astronomiya, o'simlik, hayvonot olami, mantiqqa oid risolalari, "Hayy ibn Yaqzon" falsafiy qissasi so'ngi yillarda yozilgan

asarlaridandir. Ibn Sino yashagan payt islom mintaqasi tarixidagi buyuk o'zgarishlar davriga to'g'ri keldi. Ajam va Arabning bir qismi asosan turklar qo'l ostiga o'tgan - bir yonda qoraxoniylar, bir yonda g'aznaviylar hukmron edi. Mashhur rus tarixchisi A. YU. Yakubovskiy bu davr voqealarini o'zbek xalqining kelib chiqishi bilan bog'lab tahlil etar ekan, shunday deb yozadi: "Turklashish eng avvalo turk tili va nutqining g'alaba qozonishida ifodalandi, buni XI asrning mashhur olimi Koshg'ariy qayd qilib o'tadi. Ma'lumki, O'zbekiston viloyatlarining qoraxoniylar tomonidan istilo qilinishi tez bir vaqt ichida, o'n yil mobaynida amalga oshdi. Bu istiloning oqibati juda zo'r bo'ldi. Hayotning hamma sohalorida katta o'zgarishlar bo'ldi..."[1,Б.9]. Umrining so'ngi yillarida feodal urushlar kuchayib ketganligi, ijtimoiy-siyosiy hayotda o'zi ham bevosita ishtirok etganligi tufayli, u Isfahon, Ray, Hamadon shaharlari orasida sarson-sargardonlkda yurib, 1037 yil 18 iyunda Isfahon shahrida 57 yoshida qulunj kasalligidan vafot etdi[2,Б.15]. Shuningdek, Ibn Sino o'z davrida ilm-fanning deyarli barcha sohasida chuqur izlanishlar yozib qoldirgan qomusiy olimdir. Uning falsafa, mantiq, tibbiyot, kimyo, fizika, astronomiya, matematika, musiqa, adabiyot, tilshunoslik va boshqa sohalarga bag'ishlangan 450 dan ortiq asar yaratgani haqida ma'lumotlar bor. Ammo, asarlarining bizgacha ularning 242 tasi yetib kelgan. Ular orasida "Tib qonunlari" asari nusxasi, Ibn Sinoning Beruniy bilan Aristotelning "Koinot haqida kitob" asariga taalluqli yozishmalari va boshqa bir necha tibbiy risolalari hozirda keng tadqiq etilmoqda. Ma'lumotlarga qaraganda "Tib qonunlari" asari qachon yozilgani qiziqtirishi tabiiy. Muallifning o'zi bu haqda biror ma'lumot qoldirmagan. Ammo olim bilan 25-yil hamkorlikda ishlagan shogirdi va do'sti Abu Ubayd Juzjoniyning guvohlik berishicha, Ibn Sino "Tib qonunlari"ning birinchi kitobini 1012-yilda yozishga kirishgan. Albatta, bunday katta qomusiy asarni yozishga olim oldindan tayyorgarlik ko'rgan, yillar mobaynida material yig'ib yurgan. Shu taxlit asar 1012-1024-yillar mobaynida yozilgan. Bugungi kunda allomaning "Tib qonunlari" kitobidagi tajribalardan nafaqat sharqda balki, g'arbda ham keng foydalanib kelinadi. Masalan jarrohlik sohasini rivojlantirishda ham Ibn Sinoning ulkan xizmatlari bor. Yelka suyagining chiqishini oddiy bosish bilan davolash usuli hozirgacha "Avitsenna usuli" deb ataladi. Alloma umurtqaning qiyshayishini o'zi ixtiro etgan yog'och moslama yordamida tuzatgan. Bu usulni XV asrda fransuz tabibi Kalo qayta kashf etgan degan ma'lumotlar bor. Suyakni gipslash usuli ham Ibn Sino tomonidan keng qo'llangan, lekin u keyinchalik unutilib, yevropalik tabiblar tomonidan 1852-yilda amaliyotga yangi kashfiyot sifatida qaytarilgan. Ibn Sino tib nazariyasi, xususan, anatomiyaning mukammal bilimdonidir [3]. Uning ba'zi kasalliklarga tashxis qo'yish usullari hozir ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Masalan, a'zoga urish orqali tashxis qo'yish usuli bugungi kunda fanda perkussiya deyiladi. Tabobat tarixida birinchi bo'lib Ibn Sino vabo bilan o'latni farqlagan, yuqumli kasalliklarga chalingan bemorlarni boshqalardan ajratish g'oyasini ilgari surgan. Bizga ma'lumki allomaning bebaho merosini o'rganish borasida ham mamlakatimizda turli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Buyuk allomalar merosini o'rganish, asrash va boyitish - O'zbekiston Respublikasi siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biridir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1999 yil 6 yanvardagi "Ibn Sino xalqaro jamg'armasini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi Farmoniga asosan, yurtimizda Ibn Sino xalqaro jamg'armasi tashkil etildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad - dunyo tibbiyotiga ulkan hissa qo'shgan shifokor, olim va faylasuf Abu Ali ibn Sinoning bashariyatga qoldirgan boy merosini chuqur o'rganish va keng targ'ib etish, xususan uning ma'naviy-ma'rifiy merosi asosida vatandoshlarimiz, ayniqsa, yoshlarni tarbiyalash, bu umumbashariy xazinadan xorijlik fuqarolarini xabardor etish, insonparvarlik xayriya ishlarini amalga oshirish va sog'liqni saqlash tizimi islohotida faol ishtirok etishdan iboratdir

[4]. Bugungi kunda allomaning tabobat borasida to'plagan nodir qo'lyozmalarini xalqaro hamjamiyat o'rganayotgan ayni, vaqtda mamlakatimizda Abu Ali ibn Sinoning tarixiy merosini o'rganuvchi hamda kelajak- avlodga yetkazuvchi kadrlarni tayyorlamog'imiz kerak. Masalan bugungi kunda oliy ta'lim tizimida Abu Ali ibn Sino tabobat sirlarini o'rganuvchi mutaxassis kadrlarni tayyorlash lozim. Malakali Ibn Sinoshunos kadrlarni tayyorlash quyidagi bosqichlarda amalga oshirish lozim:

Birinchi navbatda allomaning ilmiy izlanishlarini tadqiq etuvchi universitet yoki Tibbiyot akademiyasi qoshida mutaxassislik yo'nalishini ochish;

Xorij universitetlari tajribasidan kelib chiqqan holda uni xalqaro darajaga ko'tarish;

Tabobat ilmi bilan shug'ullanadigan mutaxassis kadrlarni tayyorlash hamda aholining tabobat borasidagi bilimlarini yaxshilash. (Hozirgi kunda aksariyat kasalliklarni kelib chiqishiga dori-darmonlar sabab bo'lmoqda shunday vaziyatda aholini tabiiy yo'llar bilan salomatligini tiklash usulini yo'lga qo'yish)

Xulosa qilib aytganda, Ibn Sino o'z davrida ilm-fanning deyarli barcha sohasida chuqur izlanishlar yozib qoldirgan qomusiy olimdir. Uning falsafa, mantiq, tibbiyot, kimyo, fizika, astronomiya, matematika, musiqa, adabiyot, tilshunoslik va boshqa sohalarga bag'ishlangan 450 dan ortiq asarlarini o'rganuvchi mutaxassis kadrlarni tayyorlash mamlakatimizda tabobat sohasidagi madaniyatni shakllanishga xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**


1. Yakubovskiy A. O'zbek xalqining yuzaga kelish masalasi haqida. T., O'z Fan nashriyoti, 1941. -B.9.
2. Abu Ali Ibn Sino. She'rlar va tibbiy doston. -T., 1981. -B.14-15.
3. <https://pharmi.uz/2017-yil-24-mart-kuni-toshkent-farmatsevtika-instituti-hamda-ibn-sino-xalqaro-jamgarmasi-ortasida-hamkorlik-shartnomasi-imzolandi/>
4. <https://arboblar.uz/uz/people/abu-ali-ibn-sina>

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Атаева Дилфуза Пулатовна,  
Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХОТИН - ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

*For citation: Dilfuza P. Ataeva. Participation of women of the Khorezm region in the socio-political process: problems and solutions. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 38-43*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-06>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида яратилган кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар Хоразм вилояти фаол аёллари ҳаёти мисолида ёртилган.

**Калит сўзлар:** мустақиллик, ислохотлар, аёллар, ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий-сиёсий фаоллик, имкониятлар, шарт-шароитлар, Хоразм вилояти фаол аёллари, тараққиёт.

Атаева Дильфуза Пулатовна,  
Независимый исследователь  
Ургенчского государственного университета

## УЧАСТИЕ ЖЕНЩИН ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье освещаются широкомасштабные реформы, проведенные в Узбекистане за годы независимости, возможности и условия, созданные для прав и свобод женщин и повышения их общественно-политической активности.

**Ключевые слова:** независимость, реформы, женщины, права и свободы, общественно-политическая деятельность, возможности, условия, активные женщины в Хорезмской области, развитие.

**Dilfuza P. Ataeva,**  
Independent researcher  
Urgench State University

## **PARTICIPATION OF WOMEN OF THE KHOREZM REGION IN THE SOCIO-POLITICAL PROCESS**

### **ANNOTATION**

This article highlights the large-scale reforms carried out in Uzbekistan over the years of independence, the opportunities and conditions created for the rights and freedoms of women and increase their socio-political activity.

**Key words:** independence, reforms, women, rights and freedoms, socio-political activities, opportunities, conditions, active women in the Khorezm region, development.

**Ж**аҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг муносиб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий, маънавий ҳаётини қарор топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, хотин-қизларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларга муносабат ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб боряпти. Аввало, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини, ташаббускорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Шу ўринда БМТ Бош котиби Антонио Гутерришнинг жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтирмоқчиман. "Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда", деб таъкидлади А.Гутерриш". "Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида - 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида - 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакиллариининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди" [1].

Маълумки, хотин-қизлар республика аҳолисининг деярли ярмисини ташкил этади. Зеро, демократик ислоҳотлар муваффақияти эса, асосан унда аёллар қанчалик даражада иштирок этиши билан белгиланади. Бу эса, аёллар фаоллигини оширишда миллий ўзига хосликларни эътиборга олган ҳолда ёндашиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини таъминлаш, янада фаоллаштириш ҳамда улар учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш тизимини таҳлил этиш муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга эканлигини

кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 1991-2018 йиллари тарихий бир даврни қамраб олгани ҳолда, мазкур йилларда хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг эркин меҳнат қилиши, фаровон турмуш кечириши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор тамойиллари даражасига олиб чиқилди. Хусусан, Президент Ш.Мирзиёвнинг "Оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёл ва қизларимизнинг жамиятда тутган мавқеини юксалтириш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, улар меҳнатини ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси ва устувор йўналиши бўлмоғи керак", - деган сўзлари бунинг яққол далилидир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнлаб қонунлар, Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63, 66 - моддаларида, "Оила Кодекси"да аёлларнинг оиладаги ўрни ва мавқеи ҳуқуқий кафолатланди. Шунингдек, "Фуқаролик Кодекси", "Меҳнат Кодекси", "Таълим тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш", "Аҳоли бандлиги", "Сайловлар тўғрисида"ги ва бошқа 400 дан ортиқ қонунларда хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳалардаги ҳуқуқлари қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди.

Аввало, Бош Қомусимизнинг 46-моддаси асосида хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилигининг белгилаб қўйилиши уларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз равнақи йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишларига кенг шароитлар яратди. Давлат ва жамиятнинг ушбу муаммоларга нисбатан диққат ва эътиборининг кучайиши, аёллар ижтимоий ҳаракатчанлиги, жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиётига таъсирини юксалтиришга хизмат қилди. Зеро, Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий фаоллиги даражасини ошириш, ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг ижобий ва таъсирли омилдир.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишни ҳал қилувчи омил экан, ушбу жараён қўйидаги бош ғоя ва тамойилларга асосланади:

- аёлларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки;
- давлат ва сиёсий ташкилотларда аёллар ваколати доирасини кенгайтириш;
- аёллар сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш;
- кичик ва ўрта хусусий бизнесни ривожлантириш орқали аёллар иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

- аёлларни ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш;

- аёллар нодавлат ва нотижорат ижтимоий бирлашма ва ташкилотларини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, республикани янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришда хотин-қизлар фаоллиги муҳим аҳамият касб этар экан, хотин-қизларга муносабат масаласига мутлақо янгича ёндашув асосида ҳуқуқий жиҳатдан



тўлақонли ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тизимли механизмни ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Шунинг учун ҳам муҳтарам юртбошимиз Ш.Мирзиёв раҳнамолигида олиб борилаётган давлат сиёсатида жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда беқиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада ошириш ва улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4749-сонли Фармони асосида "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш" каби вазифалар белгилаб қўйилди. Айнан, 2018 йил 2 февралда "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлди.

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Фармоннинг қабул қилинишидан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Хотин-қизларга давлат даражасида қаратилаётган эътибор баробарида бу жараёнда сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" етакчиларининг ҳам муҳим ўрни бор. Бунинг учун хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ваколати ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкор ташкилотлар билан йирик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, сайловларда иштирок этадиган партиянинг кузатувчиси ва ваколатли вакилларини тайинлашда ҳам лидер аёлларга кенг ўрин ажратиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда сиёсий партияларнинг айнан Хоразм вилояти хотин-қизлари ўртасида олиб бораётган тадбирларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори томонидан 2016 йилнинг 1-ярим йиллик даврида 150 га яқин турли давра суҳбати, учрашув, кўрик танловлар, тадбирлар ташкил қилинган. Ўтказилган тадбирларда вилоятнинг 9600га яқин аёллари қамраб олинган. Тадбирлар самараси сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши 6 ой давомида партия сафига 873 нафар аъзо қабул қилган бўлса,

шундан 436 нафарини аёллар ташкил қилган. Уларнинг 126 нафари "Фаол аёллар" қанотлари томонидан ўтказилаётган лойиҳалар ва турли мавзудаги тадбирлар натижасида партия сафига қабул қилинган. "Ижтимоий ҳимоядан-ижтимоий фаоллик сари" лойиҳаси доирасида эса, 67 нафар аёл иш билан таъминланган, 89 нафар аёлга ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, 77 нафар аёлга тадбиркорликни бошлашлари учун банк кредитлари олишга кўмаклашилган. Бундан ташқари "ЎзХДПнинг энг фаол аёли" кўрик танловида Хоразм вилояти иштирокчиси Рашида Султонова республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлган[2].

Маълумки, жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтиши муносабати билан жойларда сиёсий партиялар томонидан фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда. Хусусан, 2019 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва вилоят "Хотин-қизлар" кўмитаси ҳамкорлигида Хонқа туманидаги 35-сон умумтаълим мактабида "Сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш - устувор вазифа" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партиянинг вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси Доно Олимова кириш сўзи билан очиб берар экан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда, айниқса кутилаётган сайловларнинг шаффоф ва адолатли бўлиб ўтишида хотин-қизларнинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Иштирокчилар "Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги", "Сайлов жараёнларида қўлланиладиган сиёсий технологиялар", "Сиёсий жараёнларда аёлларнинг ўрни" ва бошқа мавзулардаги маърузаларни тинглаб, муҳим маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, сайловларга тайёргарлик кўришда партия томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда партия олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти, сайлов қонунчилигидаги янгиликлар ва уларни амалиётда қўллаш, партия позициясини намоён этиш ҳақидаги тушунчалар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди[3].

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан ҳам "Аёл - миллат овози" мавзусида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда партиянинг Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасида хотин-қизлар масаласида белгиланган вазифалар муҳокама қилинди. Ўтган давр мобайнида партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан барча даражадаги депутатлар иштирокида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аёлларга янада қулай меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш, халқнинг дардини чуқурроқ ҳис қиладиган қатлам сифатида партия фаолиятига кенгроқ жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинди. Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши аъзолари ўн саккиз мингдан зиёд бўлиб, уларнинг тенг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашида партиядан сайланган 16 нафар депутатнинг 4 нафари, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 68 нафар депутатларнинг 20 нафари аёллар ҳисобланади.

Бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган 300 нафарга яқин хотин-қизлар, шунингдек, 13 нафар фан номзоди, 1 нафар фан доктори бўлган олима аёллар партиянинг фаол аъзоларидир. Улар сафида 6 нафар "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳам бор [3].

Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни Президент фармонлари билан кўплаб хотин-қизларнинг юксак давлат унвонлари, қатор орден ва медалларга сазовор бўлаётганликларида ҳам кўриш мумкин. Вилоятдаги икки нафар онахон Пак Вера Борисовна ва Анора Маҳмудовалар энг олий унвон - "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган шарафга лойиқ кўрилиб, "Олтин юлдуз" билан тақдирланганлиги шулар жумласидандир.

Ана шундай эъзоз ва эҳтиромдан катта рағбат ва мадад олган воҳа хотин-қизлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишларида, ислохотлар самарасида сезиларли ҳисса қўшиб келишмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар ва электрон ресурслар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпимажлисидаги нутқи//
2. Кулимова О. Хоразм аёлларининг фаоллиги давом этади// <http://old.xdp.uz/oz/ududiy-partiya-kengashlari-/tadbirlar/?id>
3. Умирова Г. Энг аввало, оналар тарбияли, маънавиятли ва маърифатли бўлсин!/  
/ <http://www.mt.uz/uz/partiynye-organnizatsii/khorezmskaya-oblast/2037/>
4. Абдуллаева З. Сайловда аёлларнинг фаоллиги катта самара беради//<https://www.adolat.uz/news/sajlovda-ayollarning-faolligi-katta-samara-beradi>

---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---

**Рахимов Баходир Саидмусаевич,**  
Термиз давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси  
катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди

---


**Ёрматов Фахриддин Жойловович**  
Термиз давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси  
катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди

## ХАТАК ВА ДАҲПАРАКЕНТ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ТОПОНОМИК ТАҲЛИЛИ

---

*For citation: Bahodir S.Rakhimov. Toponomical analysis of Khatak and Dahparakent villages. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 44-50*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-07>

### АННОТАЦИЯ

Топонимик манбаларда Хатак ва Даҳпаракентнинг ҳудудий жойлашуви, номларнинг келиб чиқиши, табиий ва ижтимоий асослари, аҳоли томонидан жой номини баён қилиниши илмий жиҳатдан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Хатак, Даҳпаракент, Пошхурд, Панжоб, Тангидевон дарёси, Шеробод

---

**Рахимов Баходир Саидмусаевич,**  
старший преподаватель кафедры Мировой истории,  
кандидат исторических наук  
Термезского государственного университета

---

**Ярматов Фахриддин Джойловович,**  
кандидат исторических наук,  
старший преподаватель кафедры мировой истории,  
Термезского государственного университета

## ТОПОНИМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СЕЛ ХАТАК И ДАХПАРАКЕНТ

### АННОТАЦИЯ

С научной точки зрения в топонимических источниках анализированы территориальное расположение Хатака и Дахпаракента, происхождение названий, природы и социальные основы, а также название населением местностей.

**Ключевые слова:** Хатак, Дахпаракент, Пашхурд, Панжаб, река Тангидевон, Шерабад

**Bahodir S.Rakhimov,**

Senior Lecturer, Department of World History,  
Termez State University, PhD in History

**Fakhriddin J.Yormatov,**

candidate of historical sciences,  
senior lecturer of the Department of World History,  
Termez State University

## TOPONOMICAL ANALYSIS OF KHATAK AND DAHPARAKENT VILLAGES

### ANNOTATION

In the toponymic sources, the geographical location of Khatak and Dahparakent, the origin, natural and social foundations of names, and the location of the place by the population are scientifically elaborated.

**Key words:** Khatak, Dahparakent, Poshkhurd, Panjab, The Tangidevon river, Sherabad

**Ж**ой номларини тарихини ўрганиш тарихнавислик илмининг муҳим бўғини саналади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Кўҳитанг тоғ олди қишлоқлари топонимикасининг ўрганиш орқали воҳа тарихининг кўплаб очилмаган қирраларини аниқлаш мумкин. Хатак - Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги қишлоқ номи. Кўҳитанг тоғининг шарқий ёнбағрида жойлашган. Бу қишлоқ олдинлари Чорбоқ дейилган. Хатакнинг бошланиш қисми Даҳана, кейингиси Ўрта Чорбоқ, давоми эса, Жулга деб аталган.

1880 йилда Хатакда бўлган рус олими Л.О.Костенко Хатак ҳақида қуйидагиларни маълум қилади: "Тангидевон дараси бошланишидан 10 верст узоқликда ўтроқ қишлоқ - Хатак бошланади. Қишлоқ беда, буғдой, арпа, полиз пайкаллари, шунингдек, жийда, ўрик ва қайрағоч дарахтлари билан тўла бўлган боғларга бурканган. ... Дара тугаганидан сўнг қишлоқ ичида йўл бўйлаб яна 3-4 верст юрилади. Хатакдан чиққач йўл Пошхурдга бурилади. Хатакдан 8-9 верст узоқликда Лайлаган қишлоғи жойлашган[1, Б.140]".

Хатакдан шимоли-шарқда Панжобга, жануби-шарқда дарё ўзани бўйлаб Лайлаганга, жанубда Катта Лалми, Кўндаланг, Аламли, Хўжаулкан - Шеробод йўлига, жануби-ғарбда Оқдегон орқали Бедак, Калапўшқия, Хўжанқонга, ғарбда эса Боғлидара йўли ўтган.

XX аср ўрталарида Хатак таркибида Даҳанадан бошлаб дарёнинг ўнг соҳилида 10 та, дарёнинг чап соҳилида 22 та қишлоқ бўлган. Камида 3-4 та, кўпи билан 20-30 тагача хўжалик яшаган. Ҳар бир қишлоқда муайян уруғ вакиллари яшашган.

Хатак сув билан яхши таъминланган қишлоқлар сирасига киради. Тангидевон дарёси Хатакка келиши билан Хатаксой деб номланади. Дарёнинг ўнг ва чап соҳилида олтитадан ариқ бўлган. Боғлар ана шу ариқлар орқали суғорилган.

Полковник Федоровнинг ёзишича, Тангидевон дарёси дарадан чиқиши билан Хатак ва Лайлаган боғларини суғоради... Бу дарё одатдаги (тошқиндан ташқари) вақтда Хатак қишлоғида эни 10 қадам, чуқурлиги эса, 1,5 қадамни ташкил этади. Суви ниҳоятда тоза, тиниқ ва ичимлидир[2,Б.200].

Хатак сўзининг этимологияси ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Айрим кишилар топонимни қат(қоя) таги > қаттаги > хаттаги > Хатак деб тушунишади. Т.Нафасовнинг изоҳлашича, тожик шеваларида гўд - "улкан юмалоқ тош", -ак аффикси мавжудликни билдиради: гўд+ак > гудак > худак > хатак - "улкан тошли, қояли" маъносини беради[3,Б.192]. Б.Қодиров Хатак атамасини сув билан боғлаб, "Хат - тўғри, об - сув. Хатоб - Хатак. Тўғри йўллик сув", - деб изоҳлайди[4,Б.258]. Аслида топонимни қадимги хатак қабиласининг номи билан боғлаш тўғрироқ бўлар эди. Негаки, Хатак - Боғлидара, Тангидевон, Чорвоқ, Бедак, Чоҳак, Хўжанқон, Зараутсой қишлоқларининг умумий номи бўлган. Халқ орасида "минг уйлик хатак эли" ҳақидаги нақл ҳам сақланиб қолган.

Тарихий манбаларда хатакилар хатакин ёки хаттаки номлари билан тилга олинади. Хатакин (хатагин) номи хата+гин~кин компонентларидан ташкил топган. Кин~гин қўшимчасининг энг қадимги туркийча шакли ку(н). - н аффикси қадимги туркий тилда кўплик, жамликни, к?п эса, "халқ" маъносини билдиради[5,Б.397].

Хат~кат компоненти бутун Евроосиё худудида турли топонимлар, этнонимлар ва антропонимлар ўзагида иштирок этади. Э.М.Мурзаев хат, кат, кед, кент сўзларининг кўпгина халқларнинг лексикасида мавжудлигини ҳамда улар "уй, шаҳар, қўтон" маъносида келишини баён этади[6,Б.116-119]. Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш учун қўлимиздаги мавжуд далилларга назар ташлаймиз. Хусусан, мўғул тилида хот - "шаҳар"[7,Б.94], бурятча хото - "шаҳар", хотон - "қўра, офилхона"[8,Б.592], ёқут тилида хотон - "қишки қўра, молхона"[9,Б.533], қадимги печенеглар тилида катай - "истехком", "қўрғон"; чигатойча катаг - "қўрғон", ўзбек ва қозоқ тилларида қўтон - "молхона", чигатойча кат - "дамба"[10,Б.167]; эроний тилларда: форсча kod, kada - "уй"; афғонча кот - "қалъача", "қишлоқча"; котгай - "қўрғонча"; кота - "хона"; кот?й - "қаср", "дала ҳовли"; кудэй - "кулба", "капа"[11,Б.698,699,700] тушунчаларини беради.

Шу билан бирга, бу компонентнинг бошқа маънолари ҳам бор. Қадимги туркча qatlan - "жасур бўлмоқ", "чидамоқ", "дадил бўлмоқ"[12,Б.435]; ёқут тилидаги к?т?l (к?т?) - "қўриқлаш", "муҳофаза этиш"; хатан - "қаттиқ", "мустаҳкам"[13,Б.490,522]. Қада - умумтуркий тилларда: хата ёқутча - "санчмоқ" "тиқмоқ", "қадамоқ", "бирлаштирмоқ", "уламоқ", "мустаҳкамламоқ"; қадаға (ёқутча хадаға) - "текширмоқ", "назорат қилмоқ", "кузатиб турмоқ"; қадағ (қадағла таркибида) - "сақламоқ", "қўримоқ"; қадаған - "таъқиқ", "таъқиқламоқ", "ман этмоқ", "қатъий буйруқ", "тўсиқ"; қадаға - "таъқиқламоқ", "қонун", "тузук", "кодекс", "ғамхўрлик қилмоқ"; қадағ - "таъқиқ", "тўсиқ, мустаҳкамланган жой", "қоровул", "қўриқчи"; мўғулча хадагала - "сақламоқ" тушунчаларида келади[14,Б.182].

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, хат~кат, қад~қат компонентлари

топонимияда ҳамма томони девор билан ўраб олинган жой, яъни, "шаҳар", "кўрғон", "қишлоқ", "сарой", "уй", "молхона" маъносида, одам исмлари ва уруф номларида "кучли", "қаттиқ", "жасур", "мустаҳкам", "довюрак", "бирлашган", ҳуқуқшунослик билан боғлиқ атамаларда эса, "таъқиқламоқ", "ман этмоқ", "қонун", "қонунлар мажмуаси", "кузатувчи", "назоратчи" маъноларида келиши маълум бўлади. Хатакин ~ хатагин ~ қатагон сўзларининг асл маъноси "кучли, мустаҳкам халқ" дир. Қишлоқ уруф номи асосида аталган.

Сурхондарё вилояти Шерободдарё юқорисидаги қишлоқларнинг умумий номи. Топоним даҳ-пора-кент сўзларидан ташкил топган. Даҳ сўзи (ф-т) "ўн", пора (ф-т) сўзи "бўлак", "парча"[15,Б.296], кент - (сўғд. - уй, хонадон) маълум хусусияти билан шаҳар ва қишлоқдан фарқланиб турувчи аҳоли яшайдиган жой, кичик ва тарқоқ шаҳар маъносини беради[16,Б.353]. Маҳмуд Кошғарийда кэнд - "шаҳар", ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида "қишлоқ", кўпчилик турклар наздида "вилоят" дир[17,Б.329-330]. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, Даҳпаракент сўзи "ўн бўлак қишлоқ" маъносини билдиради.

Ўн бўлак қишлоқ асосан Кўҳитанг тоғи этакларида жойлашган. Кўҳитанг сўзи кўҳ ва танг сўзларидан олиниб (кўҳ (ф) - "тоғ"[18,Б.479], танг (ф) тор, сиқик, ҳажми етарлича катта бўлмаган) "эни қисқа, тор тоғ" маъносини билдиради. Ўн бўлак қишлоқ ана шу кичик тоғ этакларида жойлашган элатларга мансублигидан далолат беради.

Даҳпаракент манбаларда географик ном сифатида учрайди. Бу ном Мирза Абдулазим Сомий томонидан тилга олинади-ю, лекин унинг қаердалигини кўрсатмайди[19,Б.109].

Этнограф олим Б.Х.Кармишевнинг таъкидлашича, Шеробод дарёсининг юқори ҳавзаси ва Пошхурт водийсидаги аҳоли пунктлари ўн бўлак чигатой (чигатой Даҳпаракенти) қишлоқлари гуруҳига кирган[20,Б.51].

Рус шарқшуноси Н.А.Маев Даҳпаракент ҳақида тўхталар экан, уни Даҳқоракент деб атайди[21,Б.151]. Полковник Белявский Даҳпаракентни Дара Пакин деб атаб, унга Дарбанддарё ерлари, Кўҳитанг ва Пошхурд амлақдорликлари киришини қайд этади. Шу билан бирга, амлақдорликларнинг вақти-вақти билан бекларнинг хонга нисбатан садоқатини ҳисобга олиб, Бойсун ёки Ғузур беклигига қўшиб қўйилганлигини ёзади[22,Б.108].

Бухоро амирлиги амалдорлари томонидан 1914 -1916 йилларда амалга оширилган рўйхат чоғида Даҳпаракент таркибига Дарбанд, Мачай-Кентала, Хатак, Паклакан (Лайлаган), Пошхурт, Кўкту, Янгиариқ ва Қумқўрғон амлақдорликлари кирганлиги кўрсатилди[23,Б.46].

Даҳпаракент ҳақида Б.Х.Кармишева янада аниқроқ маълумот беради. Унинг ёзишича, Даҳпаракент таркибига Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Хатак, Зарабоғ, Қорабоғ, Вандоб, Шержон, Пошхурт ва Коризот қишлоқлари кирган. Тўғри, Хатак чигатой қишлоғи бўлмаган, аммо тили ва турмуш тарзи ўзбектилли чигатойларга яқин бўлган[24,Б.51-52].

Б.Х.Кармишева Кўҳитанг қишлоғини тўлиғича Даҳпаракент таркибидаги қишлоқ деб ҳисоблаш мумкин, дейди. Сабаби- бу қишлоқнинг қадимий аҳолиси зарабоғлилар билан қариндош бўлган чигатойлардир.

Бундан ташқари, Пошхурд водийсининг шимолий қисми, шунингдек Хатак, Панжоб ва унинг теварагидаги аҳоли учун Кўҳитанг бозори йирик савдо маркази бўлган[25,Б.52].

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Костенко Л.О. Туркестанский край. Материалы для географии и статистики. СПб, 1880, стр. 140. (Kostenko L.O. Turkestan region. Materials for geography and statistics. St. Petersburg, 1880, p. 140.)
2. Федоров. Статистический очерк Гузарского бекства и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. LVII, СПб, 1894, стр. 200. (Fedorov. Statistical sketch // Collection of geographical, topographic and statistical materials on Asia. Vol. LVII, St. Petersburg, 1894, p. 200.)
3. Ўзбекистон топонимлари... 192 бет. (Toponimies of Uzbekistan... 192 p.)
4. Чинор япроғи, 258 бет. (Leaves of plane , 258 p.)
5. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М-Л. 1951, стр. 397.(Malov S.E. Monuments of ancient Turkish writing. ML 1951, p. 397.)
6. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики, Москва, 1974, стр. 116-119. (Murzaev E.M. Essays on Toponymy, Moscow, 1974, pp. 116-119.)
7. Дамдинсүрен Ц., Лувсандэндэв А. Орос-монгол толь. Улан-Батор, 1982, стр. 94. (Damdinsuren C., Luvsandedev A. Oros-Mongol tol. Ulaanbaatar, 1982, p. 94.)
8. Бурятско-русский словарь. Москва, 1973, стр. 592. (Buryat-Russian dictionary. Moscow, 1973, p. 592.)
9. Бетлингк О.Н. О языке якутов. Новосибирск, 1989, стр. 533. (Betlingk O.N. About the language of the Yakuts. Novosibirsk, 1989, p. 533.)
10. Мурзаев Э.М. Кўрсатилган асар, 118-119, 167 бетлар. (Murzaev E.M. have work seen, 118-119, 167 pages.)
11. Афганско-русский словарь. Составил М.Г. Асланов, Москва, 1966, стр. 698, 699, 700. (Afghan-Russian dictionary. Compiled by M.G. Aslanov, Moscow, 1966, p. 698, 699, 700.)
12. Древнетюркский словарь, стр. 435. (Ancient Turkic Dictionary, p. 435.)
13. Бетлингк О.Н. Кўрсатилган асар, 490, 522 бетлар. (Betlingk O.N. Кўрсатилган асар, 490, 522 betlar.)
14. Этимологический словарь тюркских языков. Москва, 1997, стр. 182. (Etymological dictionary of Turkish languages. Moscow, 1997, p. 182.)
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, III жилд, 296-бет. (Defination dictionary of Uzbek language, III part,)
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд, 353-бет. (Defination dictionary of Uzbek language, II part, 353-bet.)
17. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I жилд, Тошкент, 1960, 329 - 330 (Маҳмуд Koshfary. The Devon is delighted by the Turk. I ild, Toshkent, 1960, 329-330)
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II- жилд, 479-бет. (Defination dictionary of Uzbek language, II part, p479)
19. Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа-и дар ас-салтана-и Бухара-и Шариф-История мангытских государей, правивших в столице, благородной Бухаре. Перевод Л.М. Епифановой. Москва, 1962, стр. 109. (Mirza Abdal Azim Sami. Tarih-i saladin-and mangitiya-and the gift of as-saltan-and Bukhara-i-Sharif-History of the Mangyt sovereigns who ruled in the capital, noble Bukhara. Translation L.M. Epifanova. Moscow, 1962, p. 109.)



20. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. Москва, 1976, стр. 51. (Karmysheva B.Kh. Essays on the ethnic history of the southern regions of Tajikistan and Uzbekistan. Moscow, 1976, p. 51.)
21. Материалы для статистики Туркестанского края. Под редакцией Н.А.Маева, Ежегодник. СПб., вып. V, 1879, стр.151. (Materials for statistics of the Turkestan region. Edited by N.A. Maev, Yearbook. SPb., Issue. V, 1879, p. 151.)
22. Белявский. Описание обрекогносцированного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шаар-Сабиз Гузарского бекства и части нагорной Дербентской возвышенности // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. LVII, 1894, стр.108. (Belyavsky. Description of the doobreknoširovannogo site, concluding the covered paths within the Shaar-Sabiz Guzar beksti and part of the mountain Derbent Upland // Collection of geographical, topographic and statistical materials on Asia. Vol. LVII, 1894, p. 108.)
23. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX-нач XX в) материалы к исторической географии Средней Азии. Ташкент, 2001, стр. 46. (Settlements of the Bukhara Emirate (late XIX-early XX centuries) materials for the historical geography of Central Asia. Tashkent, 2001, p. 46.)
24. Кўрсатилган асар, 51-52-бетлар. (Have work seen, 51-52 pages)
25. Кўрсатилган асар, 52-бет. (Have work seen, 52 page.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Бобожонова Феруза Хаятовна,**  
Бухоро давлат университети,  
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,  
тарих фанлари номзоди

## XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

---

*For citation: Feruza Kh.Babadjanova. Activity of jadid schools in Bukhara emirate at the beginning of the XX century. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 50-56*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-08>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги жадид мактаблари, мактабда ўтиладиган дарслар, фанлар, дарсликлар манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, жадид мактабларининг очилиши, фаолияти, муаммолари, моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** янги усул мактаблари, дарслар, дарсликлар, фанлар, тарих, имтиҳон, таълим, тарбия, ўқув жараёнлари,

---

**Бабалджанова Феруза Хаятовна,**  
Бухарский государственный университет,  
Преподаватель кафедры Истории Бухары,  
кандидат исторический наук

## ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАДИДСКИХ ШКОЛ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются научно обоснованные новометодных школ в Бухарском эмирате, их предметы, уроки, учебники начала 20 века. В статье также содержится историческая информация об открытии, функционировании, проблемах, финансовом состоянии и оснащении новых школ в Бухаре.

**Ключевые слова:** новометодные школы, уроки, учебники, предметы, история, экзамены, обучение, воспитание, учебные процессы

**Feruz Kh. Babadjanova**

Bukhara state University,

Lecturer, Department of the history of Bukhara

Doctor of the history science

## ACTIVITY OF JADID SCHOOLS IN BUKHARA EMIRATE AT THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

### ANNOTATION

The article reveals historic data about new-principle schools of Bukhara Emirat during the early XX century, as well as their classes, manuals, and disciplines on the basis of sources. Moreover, some information about establishing of new-principle schools, their activity, problems, financial condition and provision are mentioned.

**Key words:** new-principle schools, classes, manuals, disciplines, history, examination, education, upbringing, educational processes

Янги усул мактаблари - мусулмон мактабларининг дастурларини ва таълим усулини ислоҳ қилиб, болаларга ўз она тилида хат-савод ўргатишга қаратилган ўқув муассасалари бўлиб, илк бор Қримнинг Боқчасарой шаҳрида татар маърифатпарвари Исмоилбек Гаспиринский (Гаспирали) томонидан 1884 йилда ташкил этилган ва унга усули савтия тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

Анъанавий мактабдаги ўқитиш усули ёд олиш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчи овозидан илиб олиниб, такрорлаш усулига асосланган бўлиб, унда савод чиқариш қийин кечарди. Исмоил Гаспиринский илгари сурган савтия, янги усул, яъни товуш усули ҳарфларни товуш чиқариб ўқиш тартиби эса осон ва тез савод чиқариш имконини берар эди. Шу сабабли бу янги таълим тизими усули савтия (товуш усули), усули жадид (янги усул) номларини олган эди. Янги усулда ўқиш ва ёзиш баробар ўргатилганлиги, айниқса, муҳим эди.

Бухорода жадид мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилади[5].

1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулаҳадхон рухсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувфинга учрайди[11;83]

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган янги усулдаги татар мактаби татар тилида бўлганлигидан бухороликларнинг фойдаланишлари қийинроқ эди. Шу сабабли маҳаллий тараққийпарварлар ўзлари янги усул мактаби очиш ҳаракатига тушдилар[9;200]

Янги Бухоро (Когон)да ҳам янги усул мактаби татар муаллимлари томонидан очилиб, унга жойни амир ҳукуматининг ўзи қўрсатиб берган эди. Дастлаб унда татар муаллимлар, кейинчалик эса маҳаллий муаллимлар дарс беради. Бу мактаб

учун ҳукумат 20 минг рубл (сўм) инъом этади. У бир неча бор ёпилиб, яна фаолият кўрсатган[5].

Бухорода илк маҳаллий янги усул мактаблари 1903-1904 йиллардан очила бошланган[1]. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди. Ҳатто уламоларнинг илғор фикрли айрим вакиллари, хусусан, Муфти Икром янги усул мактаби шариатга хилоф эмаслигини тан олади[16;86].

1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади[8].

Маҳаллий зиёлилардан Садриддин Айний бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини таклиф қилади[10;8]. Шу сабабли янги усул мактабларидаги синф хоналарида география хариталари, глобуслар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар бўлган. Хат-савод болаларнинг она тилида, товуш усули(усули савтия)да ўргатилган. Янги усул мактаблари, асосан, 1-4 синфдан иборат бошланғич мактаб бўлган[7].

Янги усулдаги мактабларда янги дунёвий билимлар ўқитилиб, эскириб қолган ўқитиш услубидан эса воз кечилса-да, лекин ўқувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда ислом дини асос қилиб олинди. 1908 йилда Садриддин Айний янги усулдаги татар мактабларининг тажрибасига таяниб, татар мактаби муаллими Бувала Абдурахмон Саидий билан биргаликда дарсликлар ёзади. Шулардан бири "Тартил ул-Қуръон", яъни Қуръони Каримни ўқиш ва талаффуз қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган китоб, "Таҳзиб ус-сибиён" - ахлоқий тарбия, яъни одобнома китоби эди. Унда "Тарбия кўрган бола", "Одобли бола", "Ота-она", "Устоз-муаллим", "Марҳаматли Аҳмаджон", "Мактаб қоидасига доир ҳикоят", "Мактаб қандай бўлиши керак", "Ҳикояти Тош", "Ақли одам ва юксак бахт соҳиби", "Бадбахт одам", "Араббен ва унинг дўстлари" каби ўнлаб кичик ҳикоялар ахлоқий тарбияга қаратилган эди.

1909 йилнинг кузида Мирзо Абдулвоҳиднинг мактабида ҳам худди татар мактабидаги каби ошкора имтиҳон ташкил этилади. Имтиҳонда Бухоро кўшбегиси Остонакул, қози калон Бурҳониддинва раиснинг вакиллари иштирок этишади, Бухоро муфтийларидан янги усул тарафдори бўлган Домла Икром (Икромча), Самарқанддаги янги усул мактабидан Мулло Абдулқодир Шакурый ҳам қатнашади. Имтиҳон мажлиси эртадан оқшомгача давом этади. Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоронинг воқеаталаб кишиларининг қўпчилиги қизиқиш билан имтиҳонга келадилар. Имтиҳон келганларда жуда зўр таассурот қолдирган. Бировлар болаларнинг тайёргарлигини кўриб, қувонганидан йиғлаб юборган, яна кимлардир ушбу янги усул мактаби учун янги бино ҳозирлаш ҳақида фикр қилган. Мажлисида қатнашган муфти Домла Икром ва Бухорода энг биринчи газета ўқиган 80 яшар Бўрибой афандининг "Мен умидворманки, ўн йилгача Бухорода инқилоб воқеъ бўлур, ватан авлоди бу кунги разолат ва сафолатлардан қутулур. Эсизки, у кунни мен кўра олмайман, сиз ёшлар, кўрасиз. Минг қатла шукурким, ишнинг бошланганлигини кўрдим" деб кўзига ёш олиб, мажлис аҳлига қилган мурожаати тўпланганларга катта таъсир этган. Домла Икром эса шундай деган: "Ёш болаларнинг оз бир фурсатда шунча керакли нарсаларни ўрганганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мен, бу мактабни шариатга мувофиқ ва мусулмонларга нофеъ (фойда) деб билдим". Мажлис иштирокчиларининг аксарияти домланинг фикрларига қўшиладилар. Худди шундай имтиҳон Самарқандда Шакурый

мактабида ҳам ўтказилган эди.

Мирзо Абдулвоҳид мактабидаги ошкора имтиҳондан кейин янги усул мактаби тўғрисидаги фикр билдирувчилар икки гуруҳга бўлинган. Иштирокчилар ўртасида катта баҳс бошланиб кетган. Бу баҳснинг келиб чиқишига, биринчидан, янги мактабга баҳо бериш масаласи, иккинчидан, мактабда қандай фанларни ўқитиш масаласи сабаб бўлди.

Вазият мураккаблаша бошлади. Бундан хавфсираган Бухородаги Россия сиёсий агентлиги ходими Лютин 1909 йилнинг 12 декабрида Туркистон генерал-губернатори номига мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, Бухоро шаҳридаги мутаассиб муллалар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, янги усул мактабига муносабатлари ҳақида фикр билдирилади. Амирнинг янги усул мактабини шаҳар ташқарисига чиқариш фикри маълум қилинади[1].

Тез орада Бухоро, Карки, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарларда ҳам янги усулдаги мактаблар очилади ва ўз самарасини бера бошлади.

1911 йилнинг бошларида Мукомилддин Бурҳонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган. Бухородаги жаид мактаблари ичида Мукомилддин Бурҳонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажралиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошкора, намоийшкоронатарзда ўтказилган[13;86].

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири - мавжуд кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларни йирикроқ қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди[16]. Бу ҳақда ўша давр матбуоти хабар қилади.

1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади[12;260]. 1912 йилнинг 9 октябрида Чоржўйда Отахўжа (Отаулла Хўжаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. Бу мактабга Чоржўй ҳокими томонидан хайрия қилинганлигини 1912 йил 28 июндаги 1243 рақам остидаги қўшбеги фармонидан кўришимиз мумкин[5]. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жаид мактабларидан бирини қайта ташкил этади.

1912 йилнинг охирларида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари ҳомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзиш учун парталар, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошланғич таълим олувчилар, иккинчисида эса олти ой таълим олганлар ўқиган. 30 кишидан иборат икки синф ўқувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган[1].

1912 йилда Бозори Навгузарида ўқитувчи Мулло Ҳамид хўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменицкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида равонёзиб ва ўқиб билган[15]. Мулла Вафо мактабида 30-35

бола ўқиган. Бундан ташқари яна бир қанча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатган.[1]

Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар ҳомийлик қилиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурҳонов) ташкил этган мактабда ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20 %и, асосан камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган[3].

Жадид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошланғич, иккинчи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1-4синфлар) бўлиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва ўқиш ўргатилган. Қуръони Каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккинчи йилида Ҳафтияк, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи йилида эса Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид (қироат илми), Саъдийдан насиҳатлар (ахлоқ илми), туркий ва форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган.

Шунингдек, жадид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва ҳаттоки анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган.

1913 йилда амирликнинг Гиждувон туманида Абдул Ҳаким Хўжа бир неча янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Унинг ўзи очган мактаблари учун дарсликлар ёзган, ёши катталар учун кечки мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда Қорақўл туманида амлоқдор Фулом Қодир билан Қози Икром бир мактаб очиб ўз болаларини ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йўлга қўйилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик хуудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик кўп бўлмаса-да, янги усулдаги мактаблар тўғрисидаги тасаввурни шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайрихоҳ бўлишига ёрдам берган.

1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомolidдин Махсум, Фиёс Махсум Ҳусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқишган.

Бухоро шаҳрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги ўқувчилар сони 300 нафардан ортиқ бўлиб, ўқув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарсликлар асосида ташкил этилган[14].

Бухорода жадидчилик ҳаракатининг жонкуярларидан бири Ота Хўжа Пўлатхўжаев (Отаулла Хўжаев)дир. У маслакдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сўнг бу мактаб амир ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машхур Усмон Хўжанинг мактабида 200

нафар[2], Эшон Ҳомид Хўжанинг мактабида (Бозори Нав гузарида) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган[11;83]. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган.

1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. Амирликнинг ўта мутаассиб руҳонийлари жаҳид мактаблари хусусида шундай "фатво" беришади: "У (яъни мактаб) шариатга қарши. Биринчи йилда ўқувчилар газета ўқийди, иккинчи йилда озодлик талаб қилади, учинчи йилда эса олий ҳазратларини тахтдан ағдаради".

Амирликнинг чекка ҳудудларидаги янги усул мактаблари ҳам тазйиққа учрайди. Масалан, Қорақўлдаги амалдор Фулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирнинг фармони билан ёпилади.

1914 йилда "Ойна" журналида Мирзо Улуғбек жоме масжидининг муаззини 5-6 минг киши ҳузурда "ким боласини усули жаҳид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талоқ", деб айтгани ҳақида маълумот берилади.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят қилишади. Қозикалон Бурҳониддин жаҳид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қўйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: "Амир марҳум даврларида уламнинг фатволари билан усули жаҳид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги собит бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жаҳидлар бош кўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир"[9;210].

1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жаҳид мактаблари ёпилади [11;93].

Бухоронинг мутаассиб, диний уламолари амир Саид Олимхонга мактуб ёзиб, янги усул мактабларини ёпиш кераклигини айтиб пўписа қиладилар: "Олампаҳо бохабар бўлинг, сизнинг подшоҳлигингизда ноҳушлик бўлмасин"[1]. Шундан сўнг амир фармони асосида қўшбеги ва қози калон бошчилигида мавжуд бўлган янги усул мактабларини очмаслик учун ўқитувчи ва ота-оналардан тушунтириш хати олинади. Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги вакиллари ҳам амир сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Амир Саид Олимхоннинг янги усул (жаҳид) мактабларини ёпиш тўғрисидаги фармони 1914 йилнинг июлида қўшбеги Насрулло орқали амалга оширилди [1].

Шундай қилиб, 1914 йилнинг иккинчи ярмида Бухорода фаолият юритувчи барча янги усул мактаблари амирлик ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади.

Аммо бу муаммонинг расмий жиҳати бўлиб, амалда ёпилган тўрт мактаб ўрнига муаллим ва ўқитувчиларнинг уйларида 45 та норасмий яширин мактаблар ўз фаолиятини бошлади[1]. Шу йилларда Бухорога қўшни бўлган Фарғона вилоятида 30та янги усул мактаблари мавжуд бўлган бўлса, Еттисув вилоятида 12та мактаб[4], Сирдарё вилоятида 16та янги усул мактаби фаолият юритган[4].

Янги усулдаги таълимни Бухорода таъқиқлашни тўла-тўқис амалга ошириб бўлмас эди, чунки бу даврга келиб либералларнинг қарашлари ва янги усул таълими илдиз отиб улгурган эди. Бухоронинг бой табақалари вакиллари эндиликда

ўз болаларини хусусий тарзда жадидларда ўқитаётган эди[17;88].

---

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

---

1. ЎзМА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 7-9-10-13-20-29-34-варақлар (National Archives of Uzbekistan, Fund 2, list 1, file 268, pages 7-9-10-13-20-29-34).
2. ЎзМА, 3-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 3-варақ (National Archives of Uzbekistan, Fund 3, list 1, file 268, pages 3).
3. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 234-варақ (National Archives of Uzbekistan, Fund 47, list 1, file 1148, pages 234).
4. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 196-201-224-варақлар (National Archives of Uzbekistan, Fund 47, list 1, file 955, pages 196-201-224).
5. ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1988-иш, 1-2-варақлар (National Archives of Uzbekistan, Fund 126, list 1, file 1988, pages 1-2).
6. ЎзМА, 640-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 45-46-варақлар (National Archives of Uzbekistan, Fund 640, list 1, file 5, pages 45-46).
7. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 41-варақ (National Archives of Uzbekistan, Fund 1010, list 1, file 66, pages 41).
8. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди, 1573-инвентар (Manuscript Fund of Bukhara State Architectural and Art Museum, Inventory 1573).
9. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I-том. - Б. 200 (Ayniy S. Materials for the history of the Bukhara Revolution // Works. - Tashkent: Fiction, 1963. Volume I - B. 200.).
10. Айний С. Таҳзиб ус-сибён. - Б. 8-14.
11. Бюллетень САГУ. Вып.16. - Ташкент: САГУ, 1927. - С.83.
12. Бендриков КЕ. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). - С.260.
13. Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. - С.86.
14. // Бухоройи шариф, 1912. - 29 ноябрь.
15. // Ойина, 1914. - 28 январь.
16. // Туркестанские ведомости, 1911. - 14 апрель.
17. Zenkovsky S.A. Pan-Turcism and islam in Russia. - Cambridge-Massachusetts: Harvard University Press, 1967. - P.88.




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Раҳманов Зафар Одилович,**  
Фарғона давлат университети тарих факультети  
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Хомиджонова Мафтунахон Азимжон қизи,**  
Фарғона Давлат университети  
Тарих факультети тарих йўналиши талабаси

## АРИСТЕЙЛАР

*For citation: Zafar O.Rakhmanov, Maftunakhon A. Khomidjonova. Aristean. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 57-61*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-09>

## АННОТАЦИЯ

Мақолада илмий адабиётлар таҳлили орқали саклар таркибига кирувчи аристей қабиласи тўғрисида маълумот берилган. Мақолада Аристей қабиласи Фарғонанинг бошқа қабилаларига ўхшаб келиб чиқиши скифларга бориб тақалади деган гоя олҳа сурилган ва бу алоқа кўчманчилар билан мил.авв. II-I асрларгача борган. Аристейлар қабиласи ҳақида кўп тадқиқотчилар сукут сақлашади, ва шу каби сабабларга кўра биз Аристейлар қабиласи ҳақидаги тарихни, келажакни муҳум муаммоси деб уйладик.

**Калит сўзлар:** саклар, аристейлар, аравонсой воҳаси, етгисув, оролбўйи ва помир-фарғона гуруҳи, Эрши, "жанубий сибир" типи.

**Раҳманов Зафар Одилович,**  
Преподаватель кафедры "Всемирная история"  
Факультета истории Ферганского государственного университета

**Хамиджанова Мафтуна Азимжон қизи**  
Студентка Ферганского государственного университета  
Факультета истории, направлении истории

## АРИСТЕИ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируя научные литературы дается информация о племени аристеев, который является частью саков. Выдвигается идея, что Аристеи, как и другие племена Ферганы, были скифского происхождения, и эта связь с кочевничеством не была утрачена во II-I вв. до н. э. ферганцами, и в источниках во многих научных публикациях авторы или исследователи мало упоминают о племени аристеев, и как мы считаем, что новые исследования аристеевской культуры это проблема будущего.

**Ключевые слова:** саки, аристеи, аравансайский оазис, семиречинская, приаральская и памиро-ферганская группа, Эрши, "южносибирский" тип.

**Zafar O.Rakhmanov,**

Lecture, World History Department,  
Faculty of history of Fergana State University

**Maftunakhon A. Khomidjonova,**

Student of the Faculty of History  
Direction History of Fergana State University

**ARISTEAN****ANNOTATION**

The article analyzing scientific literatures provides information about the Aristeans tribe, which is part of the Sakas. The idea is being advanced that the Aristeas, like other tribes of the Ferghana, were of Scythian origin, and this connection with nomadism was not lost in the II-I c. BC. Ferghans and sources in many scientific publications, authors or researchers make little mention of the Aristeian tribes and how we believe that new studies of aristeian culture are a problem of the future.

**Key words:** saki, aristeans, the arawansay oasis, the semerechinskaya, aral and Pamir-Fergana groups, Ershi, the "South Siberian" type.

One of the most important problems of the ancient history of the East, especially Central Asia, is the Saks problem. In the archaeological and historical science, a lot of general and private research is devoted to this issue, among which the first most thorough work was the work of V. Grigoriev "On the Scythian Sak People" [6].

Leaving aside the full history of the study of the Saks, the next step in the interpretation of written sources is the work of V.V. Struve in the field of the political history of the Sak, S.P. Tolstova on the history of their settlement and ethnogenesis, the work of C.V. Trever cultures, as well as many other studies [5; 7; 8; 10; 11; 13].

Before turning to the problem of the Aristeis, we briefly discuss the Saki. Under this name, Sakancient and Persian sources united both European and Asian nomads, often identifying them with the Scythians (according to Herodotus, "Saki ... they are Scythians ... the Persians of all Scythians call Saki" [9, p. 85]) The Chinese sources implied the Saki population in eastern part of Central Asia. The authors of the 80s of the twentieth century believe that within Central Asia and Semirechiye in the middle of the first millennium BC there were three large groups of nomadic Sak tribes: Pamir-Fergana, having formed a large Sak ethnic community. As the famous historiography notes ... The Saki epic lies

in the origins of the epic of the peoples of Central Asia and Iran. The role of the Sak reservoir in their ethnic history is significant. The question of the degree of ethnogenetic and linguistic kinship and proximity of cultures of Saks and Scythians and in a much wider range of the whole "Scythian world" requires further study "[9, p. 86] and in this area, as we know, work continues until today [10; 12].

Already in the 50s of the twentieth century, extensive work on the archaeological study of Semirechiye and the Central Tien Shan gave scientists the opportunity to identify the archaeological complexes, which they proposed to call Saki [4]. At one time A.N. Bernshtam dwelled on certain questions of the Saks, namely: 1) on the genesis and the tribal composition of the eastern group of Saks, Saks of Zayaksart; 2) on local features of the three main groups: a) Tien-Shan-Pamir, b) Fergano-Alai, c) Yaksarto-Karatau, ie, Sirdarya [4, p. 208].

Without lingering much on this problem, we would like to consider a brief history of the Aristeian tribes, who, in our opinion, like other tribes, were part of the Saks, as it seems to us who lived in the south-eastern part of the Fergana Valley, or rather in the Arawansay oasis.

But in sources and in many scientific publications, authors or researchers mention little about the Aristeian tribe [1: p. 216; 2: s. 528; 3: s. 7:12; 4: s. 190, 207, 211, 214, 216; 9: s. 198; 14: s. 56]. B.V.Lunin in the book "The History of Uzbekistan in the Sources" cites only a very short summary of Claudius Ptolemy: "In this area, near the Oksiysky Mountains, there are the Bushes, in the northern part of Yaksart - yati and Tokhars, below them - avgaly, then beyond the Sogdian Mountains - Oksyranski, Dribakty and Kandara, under the mountains - mardieny, Oksa - oksiana and chorazmii, to the east of them - drepsians, to both rivers; further east, the Aristeas at Yaksart and the Kirrodeas at Oks; ... "[9, p. 198].

From this we can assume that later the Hellenistic authors have already been notified of the population of the Fergana Valley. In particular, and about the Aristeis too. Although these data do not provide a complete political and social history, by comparing and analyzing historical sources we can, will restore the historical process of that time.

Based on the data of later ancient authors, it is possible to ascertain with more or less definiteness the location of other tribes. According to Syrdarya, closer to the western part of Fergana, as well as in the neighboring Tashkent oasis, there lived the Scythian-Abiyan tribes "aquatic", later named after the river, along whose banks they lived, the name Yaksarta. They lived along the Syr Darya and to the north of it and were probably part of the confederation of Zayaksart Saks, which were called Saki haomovarga, or amyurgy. To the south of the Parikaniyes, on the slopes of the Turkestan Range and in the intermontane valleys of the small Alay, lived the Aristeian tribes, after whose name this mountainous country was called Rasht in the Middle Ages.

In the II. BC e. it was conquered by the Usuns, the Tien Shan tribes, who formed the Kushan state on its territory, which later spread far beyond Fergana. In the dynastic name of the Kushans, A.N. Bernshtam establishes a logical change in the tribal name of Usun, the Tien Shan conquerors of Fergana [3, p. 9-10]. We think that these tribes lived in very closely related contact, i.e. interrelations with each other from the Bronze Age to the early Middle Ages and throughout all times of its existence.

According to some scientists, it was the Aristeian tribes who bred horses. This was reflected in the rock paintings of the ancient capital of Fergana, the city of Ershi (ruins in the city of Markhamat, Markhamat district, Andijan region). The name of the city of

Ershi is none other than the Chinese pronunciation of the tribal name Arist. In an article about Fergana, V. Barthold noted that "the name of the Aristean tribe, apparently, corresponds to the name of the river and district Urest near Osh" [1, p. 528]. The city of Arist - Ershi was famous for its horses.

Aristeas, like other tribes of Fergana, were of Scythian origin, and this connection with nomadism was not lost by the Ferghanas in the II-I centuries. BC e. Zhang Qian also mentioned that they are "skilled in horse shooting" [3, p. 11-12].

As we have mentioned above, the name of the Scythian Aristean is depicted by the toponymy of the Middle Ages Urest, Uresht, Rasht [1, p. 216; 2, s. 528] and expressive iconography on the Aravan rock depicting horses that were bred by the Scythians and their successors.

It is of interest to us that near Osh, V. Barthold marks the city and the Urest River. Referring to Ptolemy, he wrote: "The Urest River is one of the tributaries of the Syr Darya, apparently identical with the Osh River (Ak-Bura), which according to the Tumansky manuscript flowed between Osh and Urest" [1, p.216]. Apparently all the authors, including V. Barthold, when they wrote about the aristeas, they referred to Ptolemy, the only author who gives information about these tribes.

The opening of the mounds of the Tuleiken group confirmed that this group of mounds belonged to the Scythian era of the 6th-4th centuries. BC e. and, thereby, to a group of Aristean tribes. The excavation of the mound in the tract Chakmak (Gulcha river basin), in addition to the excavation of A. Bernshtam in 1946, found two bones - men and women under a small mound embankment, 5 m in diameter, overlapping the 2x2m square display.

Considering the design of the burial and the find in 1946 in a similar grave of a bronze, round in cross-section awl of the pin type with a head (Chakmak burial), and comparing it with the discovery of 1947, A. Bernshtam refers to the burial in the time of the early Saks, VI-V c. . BC. It is very important to emphasize that scientists here observe the "South Siberian" type of burial in the Tien Shan version (square display with a flat hemispherical embankment) and the Sako-Usun type of tableware with a monochrome red coloring typical of Fergana. These phenomena of infiltration of Tien Shan cultural elements were also traced during the excavation of the mounds in the Tuleyken group.

Judging by the historical topography of this area, studied in 1946, the barrows of the Tuleyken group should belong to the Scythian time, and belong to the Scythian aristeans.

#### Conclusion

In conclusion we can say that: 1) authors or researchers mention little of the Aristean in the sources and in many scientific publications, and how we believe that new studies of Aristean culture are a problem of the future; 2) Aristean, like other tribes of Fergana, were of Scythian origin, and this connection with nomadism was not lost in the II-I centuries. BC er Fergana; 3) If for the Tienshyan group the leading tribes were Issedons, then on the Fergana-Alai soil, we tend to consider such leading tribes to be aristeans. The name of the Aristeas was sealed by ancient and medieval toponymy in the Chinese form of Ershi, Arab-Persian Urest, Rasht, etc.

#### REFERENSED:


1. BartoldV.V. Turkestanvepoxumongolskogonashestviya. Sochineniya. Tom 1. Iz-dat. Vostochnoyliteraturi, 1963.
2. BartoldV.V. Raboti poistoricheskoygeografiy. Sochineniya. Tom 3. Iz-dat. Vostochnoyliteraturi, 1965.
3. BernshtamA.N. DrevnyayaFergana (nauchno-populyarniyocherk) - T.: Iz-datANUzSSR, 1951.
4. BernshtamA.N. Istoriko-arxeologicheskieocherkiSentralnogoTyan-shanyaIPamiro-Alaya. MIA, №26. Iz-dat. ANSSSR, - M,-L., 1952.
5. VoronetsM., TreverK.V., YakubovskiyA.YU. Istoriya Uzbekistana.t. 1. - Tashkent, 1950.
6. GrigorevV. Oskifskomnarodesakax. Tipografiya Imperatorskoy. Akademiy Nauk, 1871. - 211 s.
7. Litvinskiy B.A. Kangyusko-sarmatskiy farn (k istoriko-kulturnim svyaziyam plemen yujnoy Rossii i Sredney Azi). - Dushanbe. Donish, 1968.
8. Lunin B.V. IstoriyaUzbekistana v istochnikax. - T.: Fan, 1984. - S. 85.
9. "Sakiisavromaty Kazaxskixstepey: kontaktkultur" // Sborniknauchnyxstatey, posvyashennnyyuramyatiBekenaNurmuxanbetova. Almaty, 2016. - 252 s.
10. Xo'jaevA. Farg'onatarixigaoidma'lumotlar. - Farg'ona, 2013.

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,  
Ўзбекистон Миллий Университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси  
илмий тадқиқотчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

*For citation: Anvar S. Tursunov. The historical foundations of modern urbanization processes in the history of Uzbekistan. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 62-66*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-10>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон жанубий ҳудудларида шаҳарсозликнинг урбанизация жараёнлари илмий таҳлил қилинган бўлиб, шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари, минтақавий жойлашуви, ишлаб чиқариш салоҳиёти, маданияти ва шаҳарликлар билан боғлиқ масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** урбанизация, Сурхондарё, Ўрта Осиё, минтақавий жойлашув, илк шаҳар, шаҳар, савдо алоқалари, шаҳарсозлик

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,  
Научный сотрудник кафедры истории  
Узбекистана Национального университета Узбекистана

## ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВРЕМЕННЫХ УРБАНИЗАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

Развитие городов в южных районах Узбекистана в этой статье научному анализу урбанизации на протяжении всего этого процесса особенностями самого города, регионального местоположения городских производственных мощностей научные

исследовательские аспекты.

**Ключевые слова:** урбанизация, Сурхандарья, Центральная Азия, региональное расположение, первый город, город, торговые отношения, градостроительство.

**Anvar S. Tursunov,**  
Researcher, Department of History of Uzbekistan  
National University of Uzbekistan

## THE HISTORICAL FOUNDATIONS OF MODERN URBANIZATION PROCESSES IN THE HISTORY OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article explores the urbanization process in the southern regions of Uzbekistan and has scientifically proven urban-specific features of cities, their regional position, industrial potential, culture and issues which related to urban people.

**Key words:** urbanization, Surkhandarya, Central Asia, regional location, first city, city, trade relations, urban planning

Турли тарихий даврларда шаҳарларнинг ривожланиши жараёнида уларга тегишли вазифаларнинг айрим томонлари ўзгариб турган. Шунга қарамай, кўпгина жиҳатлари (аҳоли зич жойлашган ҳудуд, ҳунармандчилик ва савдо маркази) ўзгармасдан қолади.

Шаҳарлар аҳоли манзили сифатида ўз хусусиятларига эга. Шаҳарлар учун фақат бир нарса, яъни улар бир-бирига туташ манзилларни, яъни аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар-жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда, "шаҳар" дейилганда, бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги-шаҳар катта манзил эканлиги ҳам назарда тутилади[1,Б.310]. Бизнингча, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрта Осиё, умуман, дунё тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши қиёсий таҳлил этилганда, ушбу фикрнинг тўғрилиги аён бўлади.

Социологик нуқтаи назардан, шаҳар бир-бирига туташ уйлардан иборат, аҳоли зич жойлашган турар-жойлар сифатида изоҳланади. Бундай таърифдан сўнг катта қишлоқларни "шаҳарлар" деб ҳисоблаш билан кифояланиш ҳам мумкин эди. Аммо, фикримизча, ушбу таърифнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги ва объективлиги умумий тарихий маданий шарт-шароитлар билан боғлиқдир. Шаҳар тушунчаси ва унинг турли белгилари турли тадқиқотларда талқин этиилган. Шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда "шаҳар" тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги тадқиқотчилар қарашларини қиёслаймиз. В. М. Массон анчагина умумий ва кўпчиликка маълум ушбу изоҳга йирик марказ тушунчасини ҳам қўшиш лозим[2,Б.6] деган фикрни билдиради. В.Ионесовнинг фикрича, "илк шаҳар" тушунчаси цивилизация пайдо бўлиши ва ривожланишига алоқадир. Улар ушбу йўналишдаги ижтимоий-маданий жараёнлар, аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали такомиллашиб, ривожланиб боради[3,Б.18-21]. Р.Х.Сулаймоновнинг фикрича, шаҳар-атроф қишлоқлардаги ҳаётни мувофиқлаштирувчи марказ сифатида пайдо бўлиб, тез орада ўзининг асосий иқтисодий вазифасини бажара бошлайди. Яъни қишлоқда етиштириладиган

маҳсулотларни қайта ишлаб, тарқатиш натижасида, ўзаро алмашинув ва савдо марказига айланди[4,Б.17].

Демак, тузилиш-вазифавий таҳлил нуқтаи назардан қараганда, шаҳарлар ягона бир бутун тизим сифатида изоҳланиши мумкин. Бунда асосий белгилар (режа, ўлчам, ишлаб чиқариш марказлари, меъморий иншоотлар, шаҳар маданияти ва б.) бир-бирига муносабат нуқтаи назаридан, ташқи объектларини эмас, балки шу муносабатлар туфайли бутунлай янги сифат оладиган мазкур тизимнинг ўзаро боғлиқ қисмини ўзига акс эттиради.

Фикримизча, ушбу концепция "илк шаҳар" тушунчасининг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради ва бу жараёни изоҳлаш учун кенг имкониятлар яратади. Илк шаҳар турлари, тузилиши ва хусусиятлари билан шуғулланаётган айрим тадқиқотчиларнинг сўнгги йиллардаги ишларида "кфазишаҳар" ("квазигород") тушунчаси пайдо бўлди[5,Б.37-52]. Тадқиқотчиларнинг изоҳ беришича, "квазишаҳар"нинг шаҳармонанд ("протогород") манзилдан фарқи шундаки, у автоном ва аграр хусусиятга эга бўлиб, атрофида қишлоқ манзиллари бўлмайди[6,Б.8]. Бу тушунча фанда кенг тарқалган бўлмаса-да, айрим тадқиқотчилар унга ўз муносабатларини билдирганлар[7,Б.15-16].

"Шаҳар" тушунчасини изоҳлаётганда изоҳланаётган шаҳар қайси даврга оид эканлиги ниҳоятда муҳимдир. Чунки, дастлабки шаҳарлар, антик ёки ўрта шаҳарлар тузилиши ва бажарган вазифаси нуқтаи назаридан, бир хил бўлмаслиги мумкин. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги манзилларни ўрганишда гектарларда акс этадиган ҳудудий (ёки ўлчовга оид) ёндашув "шаҳар" тушунчасини ифодалаш учун унчалик ҳам ишончли эмас. Аммо бу ёндашувни бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди. Бу ҳолатларни ўрганиш жараёнида кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси натижаларига эътибор берилса асосий гоё замонавий урбанизация жараёнларига ислоҳатлар жорий этилаётганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизда жаҳоннинг ривож топган давлатлари мисолидаги урбанизацияни илмий ўрганган ва таҳлил қилган ҳолда, ҳозирги Ўзбекистонда тубдан фарқ қилувчи урбанизация жараёнларини илмий ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги замонавий урбанизация тушунчасига баҳо берсак - урбанизация тарихий ривожланиш асосида шаклланган, жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимооти натижасида тубдан фарқ қилувчи ислоҳатлар содир бўлаётган кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий-демографик ва географик жараёндир. Урбанизациянинг демографик-статистик тушунчаси дунёда, алоҳида ҳудудларда, давлатларда шаҳарлар ва шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпайиб боришини англатади[8,Б.13-14]. Ҳаракатлар стратегияси амалда бўлаётган ҳозирги Ўзбекистонда иқтисодий қудратини оширадиган шаҳарларга алоҳида эътибор қаратиш жараёнида, шаҳарларнинг меъморий қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва маҳаллалараро алоқаларини сақлаб қолиб, унинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида -жуда муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. Ушбу мақолада ҳозирги вақтда шиддатли ва жадал ривожланаётган Ўзбекистоннинг жанубий шаҳарлари учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки жанубий шаҳарлар ҳам ўзининг меъморий услуги, маданий тараққиёти билан қадимий маданият марказларидан бири ҳисобланиб келган бўлсада, бироқ шаҳарларнинг ташкил топиши учун зарур бўлган омилларга, яъни аҳоли сони,



худуд, географик жойлашув, тупроқ таркиби ва ер қатламининг зичлиги, экологик муҳит, шамол йўналиши, шаҳарнинг иқтисодини ҳал қилувчи хом ашё, саноат корхоналарининг ривожланиши билан боғлиқ манбалар, ичимлик суви, ёқилғи таъминоти, энергия манбаи, савдо-сотиқ билан таъминланиши, табиий офатлардан ҳимоя қилиш, шаҳардан чиқиндиларни олиб чиқиш, ҳарбий стратегик аҳамияти, йўл қурилиши ва транспорт тармоқларининг таъминланиши каби масалаларга умуман эътибор берилмасдан режасиз шаҳарлар ташкил қилинган эди. Фақатгина жанубий шаҳарлар мисолида урбанизация жараёнларига қисман 1960-1990 йилларда эътибор берилди бошланди. Шаҳарлар аҳолисининг жуда тез суръатлар билан кўпайган даври 1970-1980 йилларга тўғри келади. Ушбу даврда Ўзбекистонда шаҳарлар аҳолисининг ўртача йиллик кўпайиши 200 минг кишини ташкил этган[9,Б.174].

Жанубий Ўзбекистон шаҳарлар айнан ҳозирги 2018-2019 йиллардан кескин тарзда замонавий жаҳон урбанизация меъёрий анъаналари асосида ривожланиш босқичини бошлади, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиб, шаҳар инфратузилмаси кутилмаган, ҳатто аҳоли узоқ вақтлардан буён орзу қилиб келаётган жиҳатларининг аниқ ифодасини намоён қила бошлади. Натижада шаҳарларни тараққий этиши кўп тармоқли янги кўринишдаги инфратузилмани пайдо бўлишига моддий-маънавий асослар билан имконият яратиб, ички ва ташқи иқтисодий-савдо алоқалари ривожланиб, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи кишилар- тадбиркорлар, ишбилармонлар савдогарлар қатламини пайдо бўлишига олиб келди. Урбанизация жараёнларининг тарихий таҳлилидан шу нарса аён бўладики, Ҳаракатлар стратегиясининг амалдаги фаолияти даврида Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти шаҳарлари табиий бойликларни, янги ерларни ўзлаштириш, замонавий саноат корхоналарини шакллантириш учун тармоқларни давлат ва хусусий йўналишда ривож топишга тўла қоунуний асослар яратилди. Энг муҳими, Қарши, Термиз, Денов, Шаҳрисабз халқаро савдо алоқалари ривожланган шаҳарларга айланиб, Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг кучайиб боришига туртки бўлди.

Энг муҳими, савдо алоқаларининг кенгайиши, ҳунармандчилик тармоқларининг ривожланиши, сув ҳавзаларига яқин унумдор ерларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши ва бошқалар шаҳар маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келди. Шаҳарларнинг маданияти ва шаҳарликларнинг турмуш тарзи қишлоқларга ҳам кенг ёйила борди[10,Б.15].

Кейинги даврида шаҳарсозликнинг урбанизация жараёнларининг аҳамияти ортиб бориб, шаҳарларнинг ривожланишига олиб келган ижтимоий ва иқтисодий омиллар энг аввало шаҳарларнинг тарихий-маданий марказлар сифатидаги аҳамиятини оширади, уларнинг янада тараққий этишига туртки беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Қарши, Шаҳрисабз, Денов, Ғузор, Бойсун, Жарқўргон, Шеробод каби шаҳарлар иқтисодий-маданий жиҳатдан ихтисослашди. Шаҳар аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи яхшиланмоқда, шаҳар ва қишлоқларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик тикланиб, ривожланди, йирик иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар пайдо бўлди ҳамда тадбиркорлик учун ҳамма имкониятлар қонуний жиҳатдан яратиб берилмоқда, замонавий ишлаб чиқариш тараққий этди. Шу боисдан ҳам ижтимоий- иқтисодий заруратдан келиб чиқиб, шаҳарларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини жадал ривожлантириш, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш муҳим вазифадир. Урбанизация жараёнларининг

асосий вазифалари ҳақида тўхталганда, маълум бир ҳудуднинг тарихий-маданий ривожланишида жамият тараққиётига таъсир этувчи омиллар мажмуи ҳам кузатилади. Чунки бу жараён иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, демографик ва ниҳоят, экологик омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб бормоқда. Мазкур омилларнинг таъсирига қараб алоҳида шаҳарларнинг етакчи вазифаларга қўшилиши ёки ажралиш жараёнлари юзага келади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, урбанизация жарёнларининг илмий ўрганилиши натижасида шаҳарларнинг келиб чиқиши, уларнинг ижтимоий - иқтисодий омиллари, маданий-сиёсий тараққиётдаги ўрни, даврлар ўтиши билан босқичма-босқич ривожланиши билан боғлиқ ҳолатлар қайд этиб ўтилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Вебер М. Избранное. Образ. общество. Гл. III. Город. Москва. 1994. С. 310. (Weber M. Favorites. Form. society. Ch. Sh. City. Moscow. 1994. -P. 310.)
2. Массон В.М. Страна тысячи городов. -Москва: 1996. -С.6. (Masson V.M. The country of a thousand cities. Moscow: 1996. -P.6.)
3. Дьяконов И.М, Проблема города в Вавилонии II тыс. до.н.э // Тез.докл. Всесоюзного симпозиума. Ереван: 1969. С.18-21. (Dyakonov I.M., The problem of the city in Babylonia II millennium BC // Abstract. All-Union Symposium. Yerevan: 1969. -P. 18-21.)
4. Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Тошкент: Фан. 2000. С. 17. (Sulaimonov R.Kh. Ancient Naxshab. Toshkent: Fan. 2000. -P. 17.)
5. Андреев Ю.В. Ранние формы урбанизации ВДИ, 1987, №1. С. 3-19; Ўша муаллиф. Дворец "город" на Крите ва II тыс до. н.э. СА. Ленинград. 1988. №4. -С. 37-52. (Andreev Yu.V. Early forms of urbanization VDI, 1987, No. 1. -P. 3-19; that scientist again. Palace "city" in Crete, II millennium BC. AD SA. Leningrad. 1988. No. 4. -P. 37-52.)
6. Андреев Ю.В. Ранние формы. С.8. (Andreev Yu.V. Early forms. С.8.)
7. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент: Фан. 2000. С. 15-16. (Suleymanov R.Kh. Ancient Nahshab. Tashkent: Fan. 2000. -P. 15-16.)
8. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон //Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент:2007.30-31 март. I-қисм. -Б.173; Аҳмедов. Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1991. -Б.13-14. (Urbanization Processes in Uzbekistan, History and Contemporary Materials / International Conference Proceedings. - Tashkent: 2007. March 30-31. Part 1 -P.173; Akhmedov. E.A. Cities of Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 1991. -P.13-14.)
9. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон///. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент: 2007, 30-31 март. III-қисм. -Б.174. (Urbanization Processes in Uzbekistan: History and Modernity /// Proceedings of the international scientific-practical conference. - Tashkent: March 30-31. -P.174.)
10. Аҳмедов. Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1991. -Б.15 (Urbanization Processes in Uzbekistan: History and Modernity /// Proceedings of the international scientific-practical conference. - Tashkent: March 30-31. -P.174.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шаропов Саидусмон Саидахмедович,  
Термиз давлат университети  
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

## БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ

*For citation: Saidusmon S. Sharopov. Administrative and territorial location of the southeastern cities of the Bukhara emirate. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 67-72*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро амирлигининг жануби-шарқий шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-аҳволи, шунингдек, маъмурий ҳудудий бошқаруви, сиёсий жараёнларда шаҳарлардаги ҳаёт ҳамда ушбу даврга оид манбалар тақдим қилинган.

**Калит сўзлар:** ёзма манбалар, адабиётлар, шаҳарлар, шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳунармандчилик, қўлёмалар, савдо растаси, жон солиғи, раис, танга, вақф, мадраса, суғориш ариқлари, карвонсарой, "Кўклам шаҳар".

Шаропов Саидусмон Саидахмедович,  
старший преподаватель кафедры Мировой истории  
Термезского государственного университета

## АДМИНИСТРАТИВНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАСПОЛОЖЕНИЕ ЮГО-ВОСТОЧНЫХ ГОРОДОВ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА

### АННОТАЦИЯ

В статье представлены социально-экономический и культурно-экономический статус юго-восточных городов Бухарского эмирата, а также административно-территориальное управление, городская жизнь в политических процессах и источники за этот период.

**Ключевые слова:** письменные источники, литература, города, градостроительство, архитектура, ремесла, рукописи, торговые центры, налоги, председатель, монеты, фонды, медресе, оросительные каналы, караван-сарай, "Весенний город"

---

**Saidusmon S. Sharopov,**  
Senior Lecturer Department of World History  
Termez State University

## ADMINISTRATIVE AND TERRITORIAL LOCATION OF THE SOUTHEASTERN CITIES OF THE BUKHARA EMIRATE

### ANNOTATION

The article presents the socio-economic and cultural-economic status of the southeastern cities of the Bukhara emirate, as well as the administrative-territorial administration, urban life in political processes and sources for this period.

**Key words:** written sources, literature, cities, urban planning, architecture, crafts, manuscripts, shopping centers, taxes, chairman, coins, funds, madrassas, irrigation canals, caravanserais, "Spring City"

---

**М**амлакатимиз тарихида шаҳарлар тарихини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил этиш, ёзма манбалар, адабиётлар, тарихий-археологик тадқиқотлар натижасига таяниб, шаҳар мавқеини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, шаҳарлар маълум катталиқдаги ҳудудга эга бўлган, тузилишга кўра бир неча қисмларга бўлинган, ўзига хос иншоотлар, аҳоли сони, ҳунармандчилик ва савдо-сотик машғулоти билан ажралиб турадиган аҳоли марказига нисбатан белгиланган. Ўзбекистоннинг Бухоро амирлиги жануби-шарқий шаҳарлари ҳисобланган Денов, Шеробод, Бойсун, Фузор, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб шаҳарлари тарихини ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу шаҳарларнинг ташкил топиши, ривожланиши айнан Бухоро амирлиги тарихи билан бевосита боғлиқдир. Ушбу шаҳарларнинг шаҳарсозлиги ва меъморчилиги тарихда муҳим ўрин тутганлигини қуйидаги ҳолатларда қайд этиш мумкин. Жануби-шарқий шаҳарлар XVII асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Бухоро амирлигининг чегара ҳудудларини белгиловчи, иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин эгалловчи, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланганлиги билан ажралиб турувчи, шунингдек, маданий тараққиётда маълум бир ижобий салоҳиятга эга бўлганлиги билан ажралиб туради.

Бухоро амирлигининг жануби-ғарбий ҳудудларида жойлашган шаҳарлар ўзининг қадимийлиги, юксак иқтисодий-маданий тараққиёти билан алоҳида ажралиб туриб, 1924 йилнинг 1 ноябридан эътиборан ушбу шаҳарлар Қашқадарё вилояти ҳудудига киритилиб, Қашқадарё воҳасининг умумий майдони 28,4 минг кв. км.ни ташкил этган. Қашқадарё воҳасининг юқори тарафидаги Шарқ сари девонидан юқори ҳудудлари баланд тоғлар билан ўралган. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган йирик шаҳарларни ўз ичига олган. қадимий йирик шаҳарлар Кеш-Шаҳрисабз

шаҳри Нахшаб-Қаршига нисбатан иқтисодий жиҳатдан ривожланган йирик маъмурий-сиёсий марказ сифатида тарихий манбаларда ўз аксини топган[1,Б.3].

Рус шарқшуноси В.Безобразов чор ҳукуматининг топшириғига мувофиқ Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилган. В.Безобразов ушбу маълумотни ўрганишда 300 дан ортиқ қўлёзмалардан фойдаланиб, шунингдек, 50 та тожик тилида ёзилган ҳужжат вақф, таноб, шахсий хатлар ва амалиётларни ҳам ўрганган.

1870 йил 14 августда генерал майор Абрамов Китоб шаҳрини қўлга киритгач, В.Безобразов 17 августда Мирзо ва Шаҳрисбзда икки олим кўмагида Китобдан 6 чақирим узоқликдаги Шаҳрисабзга борганлиги ҳақида маълумот келтиради. В.Безобразов Оқсорой харобалари ҳақидаги қўлёзмаларни Оқсорой деворларидаги ёзувлар билан қизиққанлиги ҳамда Шаҳрисабз ва Китобда 5 кун бўлиб, Шаҳрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобеклар ҳақида маълумот келтирганлигини қайд этади[2,Б.12]. В.Безобразов Шаҳрисабз воҳасидаги Ургут ва Қоратепа баланд тоғлари, тоғдан ўтадиган карвон йўли ҳақида ҳам маълумотлар келтирган. Унинг қайд этиши Китоб ва Шаҳрисабз оралиғи 1,1-3 тош масофада жойлашган бир неча юз қишлоқларни ўз ичига олганлигини изоҳлайди. Шаҳрисабз шаҳри Ҳисор, Моғоён, Самарқанд, Чироқчи, қарши, Яккабоғ худудларини иқтисодий-маданий жиҳатдан бирлаштирувчи шаҳар эканлиги ҳақида маълумот келтиради. В.Безобразов Жўрабек ва Бобобекларнинг Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширган ижтимоий-иқтисодий, маданий ишлари ҳақида маълумот келтиради. Китоб шаҳри билан боғлиқ икки дара, шунингдек шимоли-шарқий томонда Варганза (Хўжабашир), шарқ томондан эса Жауз (Хўжа) худудлари шаҳар тараққиётига бевосита боғлиқ эканлиги ҳақида маълумот келтиради. Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарлари Чимқалъа билан ўралган бўлиб, В.Безобразовнинг ёзишича, ушбу шаҳар қалъаси 1770 йилда қурилган[3,Б.23]. Ушбу қалъанинг узунлиги Китоб беги Жўрабекнинг қайд этишича, 48 чақирим бўлган. Аслида қалъа родмистр Аминовнинг қайд этишича, 48 чақиримни ташкил этган. Китоб шаҳри тахминан X асрда Кеш деб ҳам юритилган. Амир Темур даврига келиб, Моворауннахрнинг сиёсий марказига айланган. Шаҳрисабз шаҳри Самарқанднинг йирик савдо марказини боғловчи марказ бўлиши билан бир қаторда шаҳарда Бекназарбой томонидан қурилган савдо растаси ва Чорсу биноси бўлган. Шаҳрисабзда 14 та гузар бўлиб, ҳар бир маҳаллада ўртача 400 хонадон истқомат қилган. Шаҳрисабз шаҳрида 20000 аҳоли истиқомат қилиб, гузардаги майда мачитларни қўшган ҳолда 64 та мачит, 6 та мадраса қурилган. Шаҳрисабз беги Бобобек томонидан шаҳарда 2 та хусусий ҳаммом, 7 та карвонсарой, бир нечта тегирмон ва мактаблар қурилган. Шунингдек, шаҳар ичида ички қалъа бўлиб, 5 та дарвоза бўлган: Кунчиқар, Чармгар, қўшхона, қалмиқ, Арк қалъалари. Шаҳрисабзнинг умумий бошқарув усулида бек билан биргаликда оқсоқоллар, саркорлар, қози, раис, мироб ва миршаблар иштирок этганлар[4,Б.29].

Шаҳрисабз шаҳрида мироблар хизматни уйда бажариб 1 танга олган. Улар раис ва мироблар ҳамкорлигида айбдорни жазолагандан кейин 5-6 тангарағбатлантириш олганлар. Шаҳарда қизларни никоҳлаш учун 10 танга, бевалардан никоҳ учун 5 танга, вақф ҳамда савдо-сотик юзасидан ҳужжатларга муҳр қўйиш учун 2 танга олган. Жўрабек даврида шаҳарда таг жой учун 2-6 танга солиқ олинган. Шунингдек, жонсолиғи бўлиб, ҳар 3 ойда бойлардан 50, камбағаллардан 12 танга олинган. Жон солиғи аёллардан ва 9 ёшли болалардан олинмаган. Шаҳар боғларида

ишлаш учун ер майдонига қараб 5 тадан 20 тагача иш кучидан фойдаланган[5,Б.31].

1852 йил Амир Насрулло кўшинларига қарши кураш олиб бориш даврида Жўрабек Китоб беги Аллоёр девонбеги ихтиёрига ўтказилиб, тўқсабо унвонига сазовор бўлди. 1861 йил Шаҳрисабз шаҳрида Амир тайинланган Ашурбек ўрнига кенас уруғининг очамайли қавмидан бўлган Ҳоқимбек шаҳар ҳокимлигига тайинлади. 1865 йилда Ҳоқимбек вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Бобобек тайинланди. Китоб шаҳрига бек бўлган Жўрабек шаҳарни обод қилиб, йўллар қурилиши, савдо-сотик ишларига раҳбарлик қилди. Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳинд-афғон моллари сотилиб, мадрасалар қурилиб, халқ оғир солиқлардан озод этилди[6,Б.38].

Бухоро амири бўлган Саид Олимхон ўзининг сиёсий фаолиятини Бухоронинг жануби-ғарбий ҳудудларида раҳбарлик қилишдан бошлаб 1910 йилда Кармана шаҳрига ҳоким этиб тайинланди ва у ўзининг ҳокимлик даврида маълум даражада ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ободонлаштириш ишлари билан бевосита шуғулланди[7,Б.43].

БухороамириОлимхон даврида Қарши шаҳрида муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилиш ишлари амалга оширилиб, шаҳарнинг иқтисодий ва маданий аҳволи анча яхшиланди. Қарши шаҳрида Қашқадарёдан махсус суғориш ариқлари қазилиб, шаҳарнинг сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек Қарши шаҳрида йўл ҳаракатини яхшилаш мақсадида узунлиги 122 метр, эни 8,2 метр, баландлиги дарё тубидан юқоригача 5,35 метр бўлган, устунлари гишт ва тош оҳакдан мустаҳкам қурилган 4 та равоғи (қоровухонаси) бўлган мустаҳкам кўприк қуриб битказилди. Ушбу кўприкнинг қурилиши ҳақида Бухоро амири Саид Олимхон қўйидаги фикрни ёзган эди: "Мазкур вилоятга яқин жойда қашқадарёнинг тез оқиб ўтадиган шўх дарё бўйида қарши шаҳрига кирадиган дарёнинг қоқ белидан катта кўприк қурдирдим. Ундан камбағал, бева-бечораларнингкечиб ўтишини ва роҳати бузилиб доимо ғам-ташвишлардан холос қилиш ҳамда аҳолини осойишталигини кўзлаб, мазкур дарёга тош ва темирдан фойдаланиб, чиройли кўприкни бунёд этдим. Ушбу кўприкни эса ўз номим билан атадим. Шояд фақир-фуқаролар сув кечиш ташвишидан қутилиб, тинч-осойишта яшашлари ҳақида ўйладим ва шу мақсадда ушбу кўприкни қурдирдим[8,Б.7].

Қарши шаҳрида катта бозор бўлиб, шаҳарда 10000 аҳоли истиқомат қилиб, қарши шаҳр қурилиши асосан шарқона услубдаги пахса уйлардан ёпилган бўлиб, шаҳарни шимоли-ғарбий томондан хандак билан ўралган мустаҳкам тупроққўрғон ўраб олган. Шаҳарда асосан мевали дарахтлар, боғлар кўпайтирилиш билан бирга терак дарахти кўпроқ экилган. Шаҳарни қашқадарё сув билан таъминлаб, шаҳар ичидаги боғлар, экинзорлар асосан дарё суви билан суғорилган. Бозорларда асосан савдо марказлари ва растлар кўплаб қурилиб, қаровултепа карвонсаройи шаҳарнинг савдо таъминотида муҳим роль ўйнайди[9].

1841 йилда Қаршида бўлган А.Ханников ҳам шаҳар тузилига тегишли бир қанча маълумотларни келтириб ўтади: "қарши 3 қисмдан-Ўрда, қўрғон ёки Эски шаҳар ва Янги шаҳардан иборат, уларнинг ҳар бири мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, анча катта бўлган бозор Янги шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашган" деб ёзган. Машҳур Мажор (Венгр) олими сайёҳ Ҳ.Вамбери 1863 йил Қарши шаҳрига келиб қўйидаги фикрни ёзади: "Қаршида 10 та йирик карвонсарой бўлиб, шаҳар иқтисодий, маданий жиҳатдан ниҳоят даражада ривожланган"[10].

Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарлари тўлиқ боғзорларга айлантирилиб, шаҳарнинг

ички ва ташқи қисми махсус гулзорларга айлантирилди ва шу туфайли Шаҳрисабз шаҳри тарихда "Кўклам шаҳар" деб юритилди. Маҳаллий аҳолининг асосий қисми ҳовлиларда олмазорлар, махсус бодомзорлар, гулзорлар ташкил этилиб, улар анча моддий жиҳатдан яхши турмуш кечирганлар. Ўша даврда шаҳар аҳолиси қуйидаги турларга бўлинган, яъни буғдой билан савдо қилувчи, шоли билан савдо қилувчи ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи аҳолига бўлиниб, улар асосан турмуш даражаси моддий жиҳатдан анча яхши эди [11, Б.25].

1924 йил материалларида кўлоби, рохи, қоратегин ва бошқалар тожик аҳолисининг ҳудудий гуруҳлари тўғрисида маълумотлар йўқлиги туфайли уларнинг бекликларда жойлашуви бўйича таъриф беришга имкони йўқ. 1924 йил маълумотида кўрачигатойлар бекликларга қуйидагича тарқалган: Хисорда 27935 киши (шу бекликдаги тожик аҳолисининг 27,9%), Деновда 3420 киши (34,9%), Бойсунда-12991 (57,7%), қабодиёнда 2735 киши (100%), Большуанда-9270 киши (14,7%) фоизни ташкил этган. Кўлоб беклигида тожик чигатойлари қайд этилмаган, Шеробод беклигини 590 та чигатойлари (1924 йилда тожикларга мансуб деб ҳисобланган) аслида ўзбеклар бўлган [12, Б.69].

Демак, хулоса қилиб таъкидлаш зарурки, Бухоро амирликнинг жануби-шарқий ҳудудларида жойлашган шаҳарлар ўзининг иқтисодий ҳолати, ижтимоий аҳволи ва геостратегик жойлашуви билан амирликнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Мазкур ҳудудда жойлашган шаҳарларнинг бой табиий ресурслари, қолаверса, амирликнинг Яқин Шарқ минтақаси билан боғлайдиган қулай савдо йўлида жойлашганлиги учун ҳам Бухоро амирлари ушбу шаҳарларни ўз қўлида ушлаб туришдан бевосита манфаатдор бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Равшанов П. Нахшаб ва Кеш тарихий манбалари. Карши (Насаф) 2005 йил 3 бет. (Ravshanov P. Historical sources of Nakhshab and Kesh. Karshi (Nasaf) 2005 page 3.)
2. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. УзРФАН 1996 йил, 12 б. (O. Parmonov, A. Berdiev. Book District. RUFAN 1996, p.)
3. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. УзРФАН 1996 йил, 23 б. (O. Parmonov, A. Berdiev. Book District. RUFAN 1996, p.23)
4. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. УзРФАН 1996 йил, 29 б. (O. Parmonov, A. Berdiev. Book District. RUFAN 1996, p.29)
5. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. УзРФАН 1996 йил, 31 б. (O. Parmonov, A. Berdiev. Book District. RUFAN 1996, p.31)
6. О.Пармонов, А.Бердиев. Китоб тумани. УзРФАН 1996 йил, 38 б. (O. Parmonov, A. Berdiev. Book District. RUFAN 1996, p.38)
7. О.Журакулов. Кашкадарё мангитлари. т.ф. 1993 йил 43бет. (O. Jurakulov. Kashkadarya Mangites. t.f. 1993. 43 pages.)
8. Амир Саид Олимхон. Бухоро халкининг хасрати тарихи. Тошкент. Фан. 1991 йил, 7 бет. (Amir Said Olimkhan. The history of the people of Bukhara. Tashkent. Science. 1991, page 7.)
9. Логофет. Путешествие в Бухари (1948) (Logofet. Putesestvie в Бухари (1948))
10. А.Хасанов. Ўрта аср шаҳарсозлиги. Жамият ва бошқарув. №4 сон, 2003 й. (A. Hasanov. Medieval urban planning. Society and Governance. No. 4, 2003)

11. Пармонов, Бердиев. Китоб тумани. 25 бет. (Parmonov, Berdiev. BookDistrict. 25 pages.)
12. Пармонов, Бердиев. Китобтумани. 69 бет. (Parmonov, Berdiev. BookDistrict. 69 p.)




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўгли,  
Фарғона давлат университети  
жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

## ЭФТАЛИЙЛАР ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ

*For citation: Saidanvarbek B.Yuldashev. The Ferghana valley during the ephthalites. 2019, vol. 19, issue 2, pp. 73-79*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда эфталийлар даври Фарғона водийсининг тарихитадқиқ этилган. Эфталийларнинг Фарғонада бўлганлиги, Фарғонада уларнинг ҳокимиятининг ўрнатилиши вақти, маҳаллий сулола билан муносабатлар ҳақидаги қарашлар ўрин олган. Фарғона давлатининг эфталийлар давридаги халқаро алоқалари, водийнинг эфталийларга тобелик даражаси тўғрисидаги фикрларнинг таҳлили ҳам мақоладан ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Фарғона, Олтой, Тангритоғ, эфталийлар, қизил хунлар, Тоҳаристон, Жин сулоласи, Вей сулоласи, сосонийлар, Эфталонос, Фируз, усунлар, Дун Ван элчилиги, Яйпан хонлиги, Шин Тангшу, "Тунгдян" солномаси, турклар.

Юлдашев Саиданварбек Бахромжон угли,  
Ферганский государственный университет  
преподаватель кафедры мировой истории

## ФЕРГАНСКАЯ ДОЛИНА В ЭПОХУ ЭФТАЛИТОВ

### АННОТАЦИЯ

В статье на основе исторических источников и литературы изучена история Ферганской долины в период эфталитов. Изложены размышления о пребывании эфталитов в Фергане, времени установления здесь их власти, их отношениях с местной правящей династией. Также, рассмотрены вопросы международных отношений Ферганского государства в период эфталитов, проанализированы мнения о степени подчиненности долины эфталитам.

**Ключевые слова:** Фергана, Алтай, Тангрига, эфталиты, красныегунны, Тохаристан, династия Жин, династия Вей, сасаниды, Эфталонос, Пероз, усунь, посольство Дун Вана, Яйпанское ханство, Шин Тангшу, летопись "Тунгдьян", тюрки.

**Saidanvarbek B. Yuldashev,**  
Fergana State University  
teacher of department of the world history

## THE FERGHANA VALLEY DURING THE EPHTHALITES

### ANNOTATION

Based on historical sources and literature, the article studies the history of the Ferghana Valley during the Ephthalites. Reflections on the stay of the Ephthalites in Ferghana, the time of the establishment of their power here, their relations with the local ruling dynasty are expounded. Also, questions of the international relations of the Ferghana state during the period of the Ephtalites were examined, opinions on the degree of subordination of the valley to the Ephtalites were analyzed.

**Key words:** Ferghana, Altai, Tangritag, Ephthalites, Red Huns, Tokharistan, Jin Dynasty, Wei Dynasty, Sassanids, Ephthalonos, Peroz, Usuni, Dun Van Embassy, Yai pan Khanate, Shin Tangshu, Tungdyan, turks.

Эфталийлар даврида Фарғона водийсида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарих фанида етарли даражада ўрганилмаган. Бизнингча, бу ҳол ушбу масалага доир ёзма манбаларнинг нисбатан озлиги билан изоҳланади.

Маълумки, эфталийлар Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутади. Милодий IV асрнинг 70-йилларигача Олтой ва Тангрига орасидаги ҳудудларда истиқомат қилар эдилар[15,Б.224]. Эфталийлар хитой манбаларида Яда ёки Ида тарзида, келиб чиқиши эса Хан сулоласи даврида яшаган улўғ явчиллар (хун)ларга бориб тақалар эди, дея тилга олинади. V аср арман тарихчилари уларни кушонлардан деб, ўз асарларида келтириб ўтишган[2,Б.156]. Айнан Кушонлар ва Қанг давлатининг таназули бу қабилаларнинг бирлашишига ва қудратли давлат тузишига имконият берди.

Эфталийлар давлатининг пайдо бўлиш санаси турли тадқиқотчилар томонидан турлича белгиланади. Жумладан, А.Атаходжаевнинг ёзишича, 420 йилда Ўрта Осиёнинг жанубига силжиган эфталийлар Сўғд, Бақтрияни эгаллайдилар. Шимолий Вей сулоласи 436 йил кузида Дун Ван бошчилигида Ўрта Осиёга элчилар юборганлигини таъкидлаб, улар дастлаб Туркистонга, сўнгра Яйпан ва Усун давлатига борганликларини таъкидлайди. Шундан кейин элчилар Яйпан ва Усунлар ёрдамида Чоч ва Фарғонага ўтишган [15,Б. 238]. Юқоридагилардан келиб чиқиб, А.Ходжаев эфталийлар давлати V асрнинг иккинчи чорагидан олдин пайдо бўлмаган дея хулоса беради. Дун Ван элчилиги пайтида эфталийлар тилга олинмаганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу борада икки хил нуқтаи назар мавжуд. Биринчиси - А.Ходжаев билдирган тахминга кўра, хитой элчилари бу ерга келган вақтда эфталийларнинг давлати ҳали ташкил топмаган эди. Иккинчи тахминга кўра, Дун Ван элчилиги келган маҳалда Сўғдиёнада эфталийлар

хукмронлиги ўрнатилган эди, аммо элчилар Чоч ва Фарғона водийсига ташриф буюргандабу ерда ҳали эфталийларнинг хукмронлиги ўрнатилмаган бўлиши мумкин.

Эфталийлар Бақтрияни эгаллагандан сўнг, улар билан сосонийлар ўртасида қарама-қаршиликлар бошланди. Бақтрия забтидан сўнг эфталийларнинг бир қисми Фарғонага келишди [11,Б.61]. Сўнгра Сўғдиёна ва Бақтрия орқали Ҳиндистонга ўтиб, ярим оролнинг шимоли-ғарбий худудларини эгаллаб, Кушон салтанати ерларини батамом ўзига бўйсундирди [2,Б.156]. Демак, эфталийлар фақат бир йўналиш бўйича ҳаракат қилмасдан, турли худудларга бир вақтнинг ўзида юриш қилишган, деган хулоса келиб чиқади. Яъни эфталийларнинг бир қисми сосонийлар билан тўқнашган пайтда бошқа бир қисми эса Гандҳарага йўл олган.

Қадимги форс, арман, хитой, сурёний, араб ва бошқа тиллардаги [1,Б.10; 11,Б.12] асарларда эфталийлар ҳақида маълумотлар кўп бўлса-да, лекин уларда кушонлар салтанати емирилишидан сўнг пайдо бўлган кўплаб маҳаллий ҳокимликлар ва уларнинг эфталийлар ҳужумидан кейинги ҳолати тўғрисида қайдлар учрамайди. Мана шундай эфталийлар даври тарихини ёритувчи манбаларда деярли тилга олинмаган тарихий вилоят Фарғонадир. Тарихчи олим К.Шониёзов "эфталийлар Мовароуннаҳрга келмасдан олдин Олтой тоғларидан жанубда, Хўтандан ғарбда ва Бадахшоннинг тоғли районларида, балки Фарғонанинг айрим районларида яшагандир", деб ёзган [14,Б.135]. Шунингдек, Ш.Камолиддин ҳам эфталийларнинг бир қисми Фағонада яшаганлиги ва унинг маданиятига катта таъсир этганлигини ёзади [8,Б.36]. "Шин Тангшу" (Янги Тангнома) йилномасида эфталлар тохарларнинг авлоди эканлиги, тохарлар усунларга енгилгандан сўнг Фарғона орқали Бақтрияга ҳужум қилгани ва уни эгаллаганлиги [15,Б.208] ҳақида маълумотлар келтирилган [16,Б.82]. Хитой манбаларидан келиб чиқадиган бўлсак, Фарғонанинг айрим туманларида эфталийларнинг аввалдан яшаганлиги тўғрисидаги К.Шониёзовнинг тахминини тўғри деб қабул қилишимиз мумкин. Аммо, фанда ҳали бу тўғрисида аниқ тўхтамга келингани йўқ.

"Эфталийлар Фарғона водийсини қачон эгаллаган?", "Улар Фарғонани бошқариш учун ўз вакилини тайинлаган-ми?" каби саволлар тарих фанида ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ. Эҳтимол, эфталийлар Сўғдиёнани эгаллагандан кейин Фарғона хукмдорлари уларнинг куч-қудратини ҳисобга олган ҳолда тобелик изҳор қилиб, ўз элчилари орқали йиллик тўлов тўлашни ҳам ўз бўйнига олганлиги эҳтимолдан холи эмас. Лекин эфталийларнинг Фарғона водийси билан бевосита боғлиқлигини исботловчи ёзма манбаларнинг етишмаслиги сабабли, бу борада фақат айрим тахминларни ўртага ташлашимиз мумкин.

С.Баратов ўзининг "Фарғона водийсидаги эфталийлар масаласига доир" номли мақоласида эфталийлар Фарғонада турмаган ва бунга далил сифатида водийдан сосонийларнинг кумуш драхмаларининг топилмаганлигини айтиб ўтади [3,Б.97]. Н.Раҳмонов ва Б.Матбобоевлар ўзларининг "Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари" номли рисолаларида С.Баратовнинг фикрини инкор этиб, 1998 йилда Кува шаҳристонини қазиш давомида бу ердан кўплаб сосоний драхмаларнинг топилганлигини келтирадилар [13,Б.57]. Уларнинг тахминига кўра, Қувадан топилган тангалар сосонийлар томонидан эфталийларга ўлпон сифатида берилган тангалар ҳисобланади. С.Баратовнинг эфталийларнинг Фарғонада сиёсий ҳаётга аралашмаганлиги тўғрисида фикрига қўшилиш мумкин. Сабаби манбаларда эфталийларнинг маъмурий ислоҳот ўтказиб, ҳар бир маҳаллий хукмдор ҳузурига

ўз вакилини тайинлаганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Агарда бундай ўзгаришлар юз берганда, бу тарихчиларининг назаридан четда қолмаган бўлар эди ва ушбу маъмурий ўзгаришлар ўз навбатида кейинчалик Турк хоқонлигида бўлгани сингари янги сулолаларнинг ҳокимиятга келишига замин ҳозирлаган бўлиши мумкин эди. Лекин С.Баратовнинг эфталийларнинг Фарғонада бўлмаганлигига далил сифатида сосоний драхмаларининг водийда топилмаганлиги ҳақидаги фикри бизнингча тўғри эмас. Сабаби, товар-пул муносабатлари яхши ривожланмаган, марказлашган танга зарб этиш тизими бўлмаган Эфталийлар давлати учун иқтисодий ҳаётда қўшни давлат тангаларидан фойдаланиш табиий ва бу тангалар эфталийларнинг Фарғонада бўлганлигига асос бўла олмайди. Шу сабабли Н.Раҳмонов ва Б.Матбобоевларнинг сосоний драхмаларнинг водийдан топилиши эфталийларнинг Фарғонада бўлганлигига асос бўлади, дея айтган фикрлари ҳам бир оз баҳслидир.

Тарихий манбаларнинг тадқиқи шуни кўрсатдики, эфталийлар Фарғона водийсини эгаллаган бўлса-да, унда яшаб келаётган кушон сулоласини тугатмади. Хитой манбаларида эфталийлар даврида Фарғонада ҳукмронлик қилган сулола тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Масалан "Шин Тангшу" (Янги Тангнома) тарихий солномасида шундай маълумотларни ўқиймиз: "[Фарғонада] 6 та йирик, 100 та кичик шаҳарчалар мавжуд, одамлар узоқ умр кўради. Унинг ҳукмдорлари (ванг) Вэй ва Жин [сулолалари давридан буён] авлоддан авлодга ҳукмронлик қилиб келади"[17,Б. 84].

Вэй ва Жин сулолалари асосан кушонлар ва эфталийлар даврида Хитойни идора этишган. Демак, эфталийлар келгунга қадар Фарғонада ҳокимиятни бошқарган сулола вакиллари эфталийлар водийни эгаллагандан кейин ҳам ўз мавқеини сақланиб қолган, дея хулоса қилиш мумкин, чунки юқоридаги манбада Вэй сулоласи даврида Фарғонада сулола алмашганлиги қайд этилмаган. Лекин, шу нарса равшанки, Фарғона водийси ҳудуди ўша давр сиёсий воқеаларидан четда бўлиши ва чегаралари Ўрта Осиёдан анча узоққача чўзилган Эфталийлар давлатининг таъсир доирасидан четда турган бўлиши мумкин эмас[3,Б. 96].

Илк ўрта асрларнинг дастлабки босқичи, яъни V-VI асрларда бутун Сўғд, Фарғона ва Марказий Осиё Эфталийлар давлати таркибида бўлса ҳам, ушбу мулклар ўзининг нисбий сиёсий ва мутлақ иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолди[2,Б.158]. Бунга мисол тариқасида яна хитой манбаларига мурожаат қиламиз. "Тунгдян" солномасига кўра, "хепин" (тинчлик) даврининг (460-465) 6-йили (465 йил) Фарғонадан Хитойга юборилган элчилар томонидан ҳукмдорга отлар совға қилинган. Фикримизча, ушбу элчиликнинг мақсади Буюк ипак йўлидаги савдода имтиёзга эга бўлиш эди. Шунингдек, худди шундай элчилик миссияси Шяовен-ди (471-477) замонасидаги "тайхе" (олий даражадаги тинчлик) даврининг 3-йили (479 йил)да ҳам кузатилган[17,Б.120-121]. Эътиборга лойиқ ҳодиса шуки, фарғоналиклар ўзларининг қадимий "одатига" содиқ қолган ҳолда хитой ҳукмдорига от совға қилишган.

Фарғоналикларнинг иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолишларига Эфталийларнинг давлат бошқарувидаги ўзига хослик, яъни кўчманчи турмуш тарзи таъсирида шаклланган бошқарув усули ҳам имкон берган эди[2,Б.159]. Эфталийлар ўтроқ ҳудуд аҳолисининг иқтисодий имкониятлари ва аҳолисининг савдо-тижорат соҳасидаги салоҳиятларидан унумли фойдаландилар. Айни вақтда, Ўрта Осиёнинг маҳаллий ҳокимларига тўлиқ иқтисодий мустақиллик бериб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилдилар. Бундан унумли фойдаланган маҳаллий

ҳокимликлар ўша давр ташқи сиёсатига хос дипломатик институтларида мавжуд анъаналарини сақлаб қолдилар. Эфталийлар тасарруфидаги бепоён ҳудудлар географик жиҳатдан уларга янги имконият қирраларини очиб берди. Қолаверса, эфталларнинг ўзлари ҳам шаҳар шароитига мослашиб, шаҳарларда яшай бошлаганлар. Уларнинг кучли ҳарбий қобилияти ва қуролланган соқчилари мамлакат ичкарасидаги барқарорликни ушлаб турган. Карвонлар ва улар билан сафарга отланган дипломатларнинг хавфсизлиги шу кучлар томонидан таъминланган.

Эфталийлар даврида маҳаллий ҳукмдорларнинг ташқи алоқаларни амалга ошириши учун эркинлик берилиши икки жиҳат билан характерланади. Ижобий жиҳати шуки, ўрта осийлик ҳокимлар хориж давлатлари билан эмин-эркин савдо-иқтисодий алоқаларини йўл қўйишган ва эфталий ҳукмдорларга ўлпон ва солиқлар тўлаб туриш билан кифояланган. Салбий жиҳати шунда эдики, Ўрта Осиё мулкларидан Хитойга юборилган элчилар қудратли империялар олдида деярли ҳимоясиз эдилар. Бу ҳолат Хитойга ташриф буюрган элчиларнинг ўта эҳтиёткор бўлишлари ва императорнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишларида кўзга ташланади. Шу боис тужжор қимматбаҳо совға-саломлар билан Хитойга ташриф буюрганлиги сир эмас[2,Б.161].

Эфталийлар ҳукмронлиги даврида минтақа халқлари ўртасидаги иқтисодий интеграция учун муайян имкониятлар пайдо бўлган эди. Эфталий ҳукмдорларининг маҳаллий ҳокимликлар (Сугд, Фарғона, Чоч, Усрушона, Тоҳаристон ва б.)нинг ички ишларига аралашмаслиги, уларнинг фаол ташқи алоқалар олиб боришлари учун замин яратди. Қолаверса, Эфталийларнинг Ўрта Осиё ҳудудларини Сосонийлар ҳуружидан ҳимоя этганлиги, маҳаллий ҳокимликларнинг барқарор ривожини учун муҳим омил бўлган эди.

563 йилда эфталийларга қарши икки томонлама ҳужум уюштирилди. Яъни, шимолдан туркийлар, жанубдан Эрон Сосонийларини ҳужум қилиши натижасида Эфталийлар инқирозга юз тутди. Бу жараён 562-567 йилларни ўз ичига олади. Фарғона водийсининг тақдирига келадиган бўлсак, турклар Хусрав I Анушервон билан 566 йилда (бошқа маълумотларга кўра, 571 йилда) тузилган шартномага мувофиқ Ўрта Осиёнинг Сўғдиёна ва Чоч каби маҳаллий мулкларини қатори Фарғонани ҳам ўз тасарруфига киритдилар[15,Б.85].

Эҳтимол, Фарғона эфталийларга номигагина қарам бўлиб, конфедерациянинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ва алоҳида мавқега эга бўлганлиги сабаб уларнинг водийда туришидан ҳалос бўлгандир[3: 97]. Бутун бошли тарихий-маданий минтақанинг бундай ҳолати фақатгина вилоятда марказлашган бошқарувнинг мавжудлиги ҳисобига таъминланиши мумкин эди, лекин унинг мавжуд бўлганлиги ҳақида бизда бор маълумотлар билан фақат тахмин қилишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, эфталийлар даврини водий тарихининг ўзига хос даврларидан бири сифатида қайд этишимиз мумкин. Фарғона эфталийлар давлатида алоҳида ўрин тутмаган бўлса-да, лекин Ўрта Осиёнинг бошқа мулкларини каби ички мустақиллигини сақлаган ҳолда барқарор ривожланди.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Al-Makdisi. DescriptioimperiimoslemiciauctoreSchamso'd-din Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibnabiBekr al-Banna al-Basschari al-Mokaddasi. Ed. M. J. de

Goeje, LungduniBatavorum, 1877; ed. 2: 1906. - 514p.

2. Атаходжаев А. Эфталийлар ҳукмронлиги даврида Фарғонанинг дипломатик алоқалари // "Фарғона водийси янги тадқиқотларда" мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. Фарғона, 2014. Б. 156-161. (Atakhodjayev A. Diplomatic relations of Ferghana during Heptalites // the third of republican scientific conference "History of Ferghana valley in new researches". Ferghana, 2014 p. 156-161)

3. Баратов С.Р. К вопросу об эфталитах в Ферганской долине // ИМКУ. Вып. 28. - Самарқанд, 1984. С. 94-97. (Baratov S.R. To the question of the Heptalites in the Ferghana valley // IMCU, vol. 28. - Samarkand, 1984. P. 94-97)

4. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). - Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1951. - 45с. (Bernshtam A.N. Ancient Ferghana (popular science essay). - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1951. - 45 p.)

5. Бичурин Н.Я. Собрание сведения о народах, обитавших Средней Азии в древние времена. Т.2. - М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. - 332 с. (Bichurin N.Ya. The collection of the information about people who lived in Central Asia in ancient times. T.2. - M. - L.: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1950. - 332p.)

6. Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана / Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Под общей редакцией академика Б.А. Рыбакова. - Москва: Наука, 1999. - 380с. (Brykina G.A., Gorbunova N.G. Ferghana // Middle Asia and Far East in the Middle Ages. Edited by academician B.A. Rybakov. - Moscow: Nauka, 1999. - 380p.)

7. Гафуров Б.Г. Таджики: Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн II. Душанбе: Ирфон, 1989. - 375с. (Gafurov B.G. Tajiks: The oldest, ancient and medieval history. V. II. Dushanbe: Irfon, 1989. - 375p.)

8. Камолитдин Ш. Фарғона қадимда ва ўрта асрларда // "Фарғона водийси янги тадқиқотларда" мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. Фарғона, 2014. Б. 36-39. (Kamoliddin Sh. Ancient and medieval Ferghana // the third of republican scientific conference "History of Ferghana valley in new researches". Ferghana, 2014 p. 36-39)

9. Курбанов А. Эфталиты (очерки истории). - Санкт-Петербург: Европейский дом, 2006. - 165с. (Kurbanov A. Heptalites (essays of history). St. Petersburg: European House, 2006. - 165p.)

10. Малявкин А.В. Танские хроники о государствах Центральной Азии. - Новосибирск: Наука, 1989. - 435с. (Malyavkin A.V. Tang chronicles of the states in Central Asia. - Novosibirsk: Nauka, 1989. 435p)

11. Çeliktaş Müslüme Melis. Ak hunlar tarihi üzerine Türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara, 2011. - 144s. (Cheliktash Muslim Melik. The evolutionary stages carried out in Turkey and in the world on White Huns. Ankara, 2011. - 144p)

12. Taberi. Milletler ve hükümdarlar tarihi. Çeviren Zakir Kadiri Ügan ve Ahmet Temir. 5. Çilt. - İstanbul: Milliegitimbasmeyi, 1992. S. 1030.

13. Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. - Тошкент: Фан, 2006. - 65б. (Rahmonov N., Matboboev B. Ancient Turkic-run records of Uzbekistan. - Tashkent: Science, 2006. - 65p)

14. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 135.(Shoniyozov K. The formation process of the Uzbek people. - Tashkent: East, 2001. 268p)
15. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древне китайских источников). - Алматы, 2011. - 224б. (Khodjaev A. From the history of the ancient Turks (information from ancient Chinese sources). Almaty, 2011. - 224p)
16. Ходжаев А., Ш.Қўлдошев., Ф.Жуманиязова. Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар. - Тошкент: Фан, 2018. - 235б.(Khodjaev A., Kuldashev Sh., Jumaniyazova F. The History of Central Asian Statehood. - Tashkent:Science, 2018. 235p)
17. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). Фарғона, 2013. -288 б.(A. Khojayev Information about the history of Fergana (Translations and comments from ancient and early medieval Chinese sources). Ferghana, 2013. - 288 p.)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**№19 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000